БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 56
25 АПРЕЛЬ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ишлабчиқариш майдонлари ва ускуналардан, халқ хўжалигининг ҳамма резервларидан тўла фойдаланишга эришингиз! Фан, техника ва илғор тажриба ютуқларини ишлабчиқаришга кенг жорий қилингиз! Маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Область саноат ходимларининг шарафли бурчи

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1954 йил 1 Май Чақириқлари совет кишиларини янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Бу Чақириқлардан бениҳоя руҳланган меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ошмоқда, меҳнат ғайрати, ижодий ташаббуси булоқдек қайнамоқда. Улар саноат корхоналарида, темир йўл транспорти ва қурилишларда, кўмир конларида, колхоз ва совхоз далаларида Майолди социалистик мусобақасини кенг ривожлантириб, меҳнат унумини ошириш, махсулотнинг сифатини яхшилаш таннархини камайтириш, иқтисодий тежашни амалга ошириш ва кўкламги экиш ишларини тезлатишда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Баҳор байрами 1 Майга муносиб меҳнат совғалари блан кириб бормоқдалар.

Меҳнат унумини ошириш — халқ хўжалигини янада юксалтириш ва совет халқи фаровонлигини оширишнинг асосидир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумини оширишга ҳамавакт катта аҳамият бериб келмоқдалар. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг қайта қурилиши ва оғир индустриянинг барпо этилиши натижасида сўнгги 25 йил ичида меҳнат унуми Иттифоқ саноатида 6 баробар, қурилиш об'ектлари ва темир йўл транспортида 3,5 баробар ошди.

Социалистик саноатимизнинг меҳнаткашлари эришилган ютуқлар блан қаноатланиб қолмайдилар. Улар янги, янада юқори кўрсаткичларни қўлга киритишга қаракат қиладилар. Москва шаҳар ва Москва область илғор корхоналари коллективларининг меҳнат унумини ошириш учун социалистик мусобақани янада кенгайтириш ҳақидаги мактуби совет халқи ватанпарварлигининг ёрқин ифодасидир. Мамлакатимиздаги барча саноат корхоналари, темир йўл транспорти, қурилиш ташкилотларининг коллективлари москвалиларнинг бу ватанпарварлик ташаббусларини тўла ма'қулладилар, ўз зиммаларига оширилган мажбурият олиб, меҳнат унумини ошириш, йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун Майолди социалистик мусобақасини кенг ривожлантирмоқдалар.

Бутун газетамизда э'лон қилинаётган Тошкент шаҳар ва Тошкент область саноат корхоналари коллективларининг 1954 йил давлат планини тўла ва ошириб бажариш юзасидан, олган социалистик мажбуриятлари область меҳнаткашларининг москвалилардан намуна олиб, меҳнат унумини ошириш асосида йиллик давлат планини тўла ва ошириб бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига якдиллик блан қўшилганликларининг ёрқин ифодасидир.

Бу саноат корхоналарининг ходимлари йиллик планни муддатидан илгари бажариш, меҳнат унумини ошириш, пландан ташқари махсулот ишлабчиқариш, хомаш'ё ва ёрдамчи материалларни тежаш, кўплаб жамғарма тўплаш, ишчиларнинг билим ва малакаларини ошириш юзасидан жуда катта мажбурият олдилар.

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиллик планни 20 декабрьда бажариш ва пландан ташқари 26,6 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумини 1953 йилда эришилган даражадан 7,2 процент ошириш, махсулотнинг таннархини 1,5 миллион сўм миқдорида камайтириш, рационализаторлик таклифларини амалга ошириш ва техникани такомиллаштириш ҳисобига камида 6 миллион сўм тежаш мажбуриятини олдилар.

Областимиздаги бошқа илғор саноат корхоналарининг коллективлари ҳам ўз зиммаларига ана шундай оширилган мажбуриятлар олдилар.

Тошкент шаҳар ва Тошкент область саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф блан бажариш учун ишлабчиқаришдаги барча ресурс ва имкониятларни меҳнат унумини оширишга сафарбар этмоқдалар ва Майолди вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Охунбобоев номли Тошкент пахта тозалаш заводининг коллективи тўрт ойлик ишлабчиқариш планини муддатидан анча илгари бажарди. Коллектив мамлакатимизнинг тўқимачилик корхоналарини хомаш'ё блан етарли миқдорда та'минлаш мақсадида пландан ташқари 600 тоннадан кўпроқ юқори сифатли пахта толаси ва 40 тонна момиқ ишлаб чиқарди. Энг муҳими шундаки, заводда меҳнат унуми ўтган йилнинг тўрт ойига нисбатан 13,6 процент оширилди. Областьдаги бошқа кўпгина корхоналарнинг коллективлари ҳам шу йилнинг биринчи кварталида меҳнат унумини оширишда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Областимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари, биринчи навбатда саноат корхоналари илғор техника блан қуролланган. Ватанимизнинг машинасозлари саноат корхоналарини энг сўнгги техникада ишланган янги машиналар, аппаратлар, аниқ ишлайдиган асбоб-ускуналар блан тобора кўпроқ та'минламоқдалар. Бизда қудратли техника базаси ва бу мураккаб техникани эгаллаган ихтисосли кадрлар бор. Демак, биз меҳнат унумини ошириш учун зарур бўлган барча имкониятларга эгамиз.

Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда меҳнат унумини ошириш соҳасида эришган ҳозирги ютуқларимиз ҳали етарли эмас. Бу, халқимизнинг кун сайин ўсиб бораётган талабларига тўла жавоб бераолмайди. Ишимизда ҳали катта камчиликлар бор. Юз бераётган камчиликларнинг асосий сабаби, айрим корхоналарнинг раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари ўз корхоналарида меҳнат унумини оширишнинг шарт-шароитларини яратишга етарли э'тибор бермаётирлар. Мавжуд техникадан, ички резервлардан тўла фойдаланмаётирлар. Айниқса, новаторлик таклифларини, илғор иш методларини ишлабчиқаришга жорий қилиш жуда секинлик блан бормоқда.

Бекобод пахта тозалаш заводида юз минг сўмлаб маблағ сарфлаб келтирилган машина ва асбоб-ускуналардан мутлақо фойдаланилмаётир. Шуниси қизиқки, заводнинг бош инженери ўртоқ Литкиннинг кабинети деразалари остида, очиқ ҳавода умумий қиммати 300 минг сўм турадиган пресскамер комплекти занглаб ётибди. Бу агрегатларнинг шу аҳволда ётганни ҳар куни бирнеча марта кўриб турган бош инженер ўртоқ Литкин уларни йиғиштириб олиш ва цехларга ўрнатиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ваҳолангки, айрим корхоналарда бундай «эҳтиёт» қилиб қўйилган асбоб-ускуналарни ишга солинса, ана шу корхоналарда меҳнат унуми анча ошириллан ва қўл блан қилинадиган оғир ишлар кўп марта енгиллашган бўлар эди. Афсуски ба'зибир корхоналарнинг раҳбарлари ҳам, бошқарма ва трест бошлиқлари ҳам бу ҳақда жонкуярлик қилмаётирлар.

Социалистик хўжалигимизда меҳнат унумини оширишга тўла имконият берадиган битмас-туганмас резервлар мавжудир. Ҳозир халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва совет халқи фаровонлигини оширишнинг асосий ҳал қилуви омили — халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумини оширишдан иборатдир.

Меҳнат унумини ошириш манфаатлари маҳаллий партия ва совет ташкилотларидан, бошқарма ва трест раҳбарларидан ишлабчиқаришга раҳбарликни яхшилаш, ма'муриятчилик ва бюрократизм методларинқ тамомила тугатиш, корхона ва қурилишларнинг эҳтиёжларини чуқур ўрганиш ва уларнинг ишига яқиндан ёрдам беришни талаб қилади. Хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари барча корхона, цех, бригада ва участкаларда ишлабчиқариш майдонларидан, асбоб-ускуналардан, резервлардан тўла фойдаланиш, иш процессларини, айниқса, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш ва шу йўл блан меҳнат унумини оширишни та'минлашлари лозим.

Областьдаги илғор саноат корхоналарининг коллективлари Ватанга, партиягa бўлган садоқатларини, меҳр-муҳаббатларини изҳор қилиб, ўз зиммаларига беҳиҳоя мас'улиятли ва шарафли вазифани — йиллик планни муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олдилар. Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг вазифаси — илғор корхона коллективларининг бу ватанпарварлик ташаббусларини барча корхоналарда кенг оммалаштириш, агитация ва пропаганданинг барча воситаларидан фойдаланиб, олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини та'минлашдан иборатдир.

Корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари коллектив томонидан олинган мажбуриятнинг тўла-тўкис бажарилиши учун ишлабчиқаришдаги барча ресурс ва имкониятларни сафарбар этишлари лозим.

1600 гектар майдонда чигит текис униб чикди

УРСАТЬЕВСКАЯ (Тошкент области), 24 апрель. (ЎзТАГ). Ховос районидаги 1-нчи «Боёвут» совхозининг коллективи чигит экиш планини бажарди. 1600 гектар майдонда чигит текис униб чиқди. Илғор далачилик бригадаларида ғўза парваришига киришилди. Механизаторлар чигит экишни тугаллаб, 3-нчи «Боёвут» ва 4-нчи «Боёвут» совхозларига дала ишларини ўтказишда ёрдам бериш учун жўнаб кетдилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 24 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Бир кунлик ўсиш
Қуйичирчиқ	100,0	—	Октябрь	79,0	4,9
Калинин	98,3	2,4	Ўртачирчиқ	74,9	4,4
Оржоникидзе	92,7	4,9	Бўка	70,0	5,5
Чиноз	91,9	3,2	Юқоричирчиқ	63,2	4,3
Сирдар'ё	91,5	1,4	Мирзачўл	62,9	4,6
Оққўрғон	91,2	4,0	Пискент	56,2	4,4
Гулистон	91,1	3,4	Оҳангарон	46,3	5,3
Верхне-волинск	84,0	6,4	Паркент	43,6	8,0
Янгийўл	83,6	5,3			
Бекобод	83,5	4,0	Область бўйича	78,9	4,3
Ўртасарой	82,6	4,4	Шу жумладан совхозлар бўйича	83,5	3,4

СССР Олий Советининг мажлислари

Иттифоқ Советининг 1954 йил 23 апрельдаги мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

23 апрельда, кундузи соат 4 да, Кремльда Катта Кремль Саройида Иттифоқ Советининг учинчи мажлиси очилди.

Иттифоқ Совети Иттифоқ Совети депутатларининг ваколатларини текшириш тўғрисида Иттифоқ Совети Мандат комиссияси Раиси депутат **И. Д. Мустафаевнинг** докладини эшитди.

Ўртоқ **Мустафаев** 708 сайлов округи бўйича Иттифоқ Совети депутатларининг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида Иттифоқ Совети Мандат комиссиясининг чиқарган қарорини ўқиб берди:

«Иттифоқ Советининг Мандат комиссияси Иттифоқ Советига сайлов бўйича ҳарбир депутат ҳақида Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳарбир депутат учун алоҳида тақдим этилган барча сайлов ҳужжатлари ва материалларни текшириб чиқиб, қуйидагиларни аниқлади:

1. 708 сайлов округининг ҳаммасида Иттифоқ Советига депутатлар сайлови СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга асосан ва уларга тамомила мувофиқ суратда ўтказилган.

2. Сайлов округларида ҳам, Марказий сайлов комиссиясида ҳам бирор сайлов округида сайловларни бекор қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ, шунингдек Иттифоқ Советига депутатлар сайлаш бўйича СССР Конституциясининг ёки СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг бузилганлиги тўғрисида ҳеч қандай шикоят ва ариза йўқ.

Иттифоқ Советининг Мандат комиссияси юқорида баён қилинганларга биноан, Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олинган Иттифоқ Совети барча депутатларининг ваколатини тўғри деб топиб ҳақидаги таклифни Иттифоқ Советининг тасдиқига тақдим этади. Бу депутатларнинг рўйхати «Известия» газетасининг 1954 йил 18 мартда чиққан 66-нчи сонида э'лон қилинган».

Иттифоқ Совети депутат **М. П. Каунайтенинг** таклифи блан Мандат комиссиясининг доклади юзасидан қуйидаги қарорни қабул қилди:

«Иттифоқ Совети Мандат комиссиясининг докладини эшитиб, **қарор қилади:**

1. 708 сайлов округининг ҳаммасида сайланган ва СССР Олий Советига сайлов ўтказган Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Иттифоқ Совети депутатларининг ваколати СССР Конституциясининг 50-нчи моддасига асосан, Мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ, тўғри деб топилсин.

2. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига сайлов ўтказган Марказий сайлов комиссиясининг иши тамом бўлган деб ҳисоблансин».

Шундан кейин СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар давом этди.

Музокаларда депутат **И. Г. Гаврилов** (РСФСР, Виборг округи), депутат **И. Г. Кэбин** (Эстония ССР, Таллин шаҳар округи), депутат **И. П. Ганенко** (РСФСР, Астрахань шаҳар округи), депутат **Т. Улжабоев** (Тожикистон ССР, Ленинобод шаҳар округи), депутат **П. П. Ермаков** (РСФСР, Рязань қишлоқ округи), депутат **Я. Э. Калнберзин** (Латвия ССР, Сталин округи), депутат **К. К. Николаев** (РСФСР, Серов округи), депутат **Г. М. Орлов** (РСФСР Слободский округи), депутат **А. Е. Кочинян** (Арманистон ССР, Котайк округи), депутат **В. Г. Набиуллин** (Бошқирдистон АССР, Янаул округи) сўзладилар.

Шу блан Иттифоқ Советининг учинчи мажлиси тамом бўлди.

Иттифоқ Советининг 1954 йил 24 апрельдаги мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 апрельда, эрта блан соат 10 да, Кремльда Катта Кремль Саройида Иттифоқ Советининг тўртинчи мажлиси очилди.

Иттифоқ Советининг мажлисида СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги доклад юзасидан музокаралар давом этди.

Музокаларда депутат **А. Ю. Снечкус** (Литва ССР, Паневежис округи), депутат **Н. К Байбаков** (Озарбайжон ССР, Кировобод округи), депутат **А. У. Хахал** (Бурят Мўғулистон АССР, Улан-Уде қишлоқ округи), депутат **Л. М. Каганович** (Ўзбекистон ССР, Тошкент — Ленин округи) депутат **К. Отаев** (Туркманистон ССР, Мари округи), депутат **А. Ф. Засядько** (Украина ССР, Чистяковский округи), депутат **З. И. Муратов** (Татаристон АССР, Қозон қишлоқ округи), депутат **И. А. Лихачев** (РСФСР, Митишчи округи), сўзладилар.

Шу блан Иттифоқ Советининг тўртинчи мажлиси ёпилади.

Америка ёзучиси Говард Фастга „Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун" Халқаро Сталин мукофотининг топширилиши

НЬЮ-ЙОРК, 23 апрель (ТАСС). Кеча Нью-Йоркдаги «Макальпин» мусофирхонасида тинчлик учун актив курашчи, отоқли америка ёзучиси Говард Фастга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофотининг топширилиш маросими бўлди.

Мусофирхонанинг «Биллур зали»да илғор америка жамоатчилигининг вакиллари — касаба союзларнинг, тинчликни ҳимоя қилучи Нью-Йорк ташкилотлари ва комитетларининг арбоблари, прогрессив жамоат ташкилотлари ва матбуотнинг вакиллари тўпландилар. Залга тўпланганлар орасида америка-совет дўстлиги Миллий советининг раиси Кингсбери, АҚШ Коммунистик партияси Миллий комитетининг а'зоси Элизабет Флинн, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофотининг лауреати Поль Робсон, Американиқ отоқли ёзучиси Майкл Голд, ёзучи Шерли Грехэм, «Нью уорлд ревью» журналининг редактори Жессика Смит, «Мэссис энд мейнстрим» журналининг редактори Сэмюэль Силлен, прогрессив партия Миллий комитетининг секретари Болдуин, профессор Фэйрчайлд, касаба союз лидери Луис Вэйнсток ва Қўшма Штатларнинг бошқа кўпгина жамоат арбоблари бор эди. Халқаро Сталин мукофотининг лауреатини СССРнинг АҚШдаги элчихонаси вакиллари, СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакилининг ўринбосари С. К. Царапкин, Чехословакиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Носик табриклайдилар.

Кеч соат 6. Говард Фаст, доктор Уильям Дюбуа ва отоқли тараққийпарвар жамоат арбоби руҳоний Мелиш минбарга кўтариладилар.

Мелиш халқаро Сталин мукофоти Комитетининг 1953 йил 12 декабрьда Говард Фастга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофотини бериш тўғрисидаги қарорини ўқиб эшитдиради.

Говард Фастга мукофот берилиши, дейди Мелиш, бу, бизга, америкалиларга билдирилган жуда катта ҳурматдир. Бу мукофотнинг берилиши Совет Иттифоқи гражданлари, халқаро жюри бўлган халқаро Сталин мукофоти Комитети, ер юзидаги кўпчилик томонидан америкалиларнинг тинчликка жон-диллари блан интилаётганликлари э'тироф қилинаётганини ифодалайди, бу мукофот прогресс ва тинчлик учун ҳормай-толмай курашаётган америкалиларга ҳурмат билдирган мукофотдир.

Залга тўпланганлар халқаро Сталин мукофотлари комитети раиси академик Скобельцидан, тинчликни ҳимоя қилучи Совет комитетидан, Совет хотин-қизлари ва ёшлари антифашист комитетларидан, совет ёзучилари Тихонов, Эренбург, Сурков, Фадеев, Симонов, Леонов, Полевой ва бошқалардан олинган телеграммалар ўқиб берилганда гулдурос қарсаклар чаладилар.

Академик Д. В. Скобельциннинг телеграмасида бундай дейилади:

Қимматли дўстим Говард Фаст!

Мен ва Сизнинг Совет Иттифоқидаги миллионларча дўстларингиз Москвага мукофотни шахсан олиш учун келаолмаслигингизни билиб, чуқур афсусландик.

Ўзингизга ма'лумки, бизнинг комитетимиз дун'ёдаги турли мамлакатларнинг машҳур ва ҳурмат билан ёдлаган ёзувчилари Сизга Тинчлик мукофоти берилиши Сизнинг ёлғиз ўз жонажон мамлакатингиз олдидаги, Сиз унинг ватанпарвари бўлган мамлакат олдидаги буюк хизматларингизнигина эмас, балки дун'ёдаги бошқа мамлакатларнинг халқлари олдидаги буюк хизматларингизни ҳам э'тироф қилиш демакдир.

Биз Сизга мукофот бературиб, ўзимизнинг улуғ америка халқига бўлган дўстона хис-туйғуларимизни ҳам ифодалашни истар эдик. Бизнинг халқларимиз орасида ҳеч қандай бахсли масалалар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, — биз тинчлик ва иноқликда яшайоламиз.

Халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва дўстона ҳамкорликни та'минлаш учун Сиз каби тинмай меҳнат қилаётган курашчиларнинг номларини кишилар умрбод унутмайдилар.

Сизга ўз олижаноб фаолиятингизда муваффақиятларга эришувингиз ва соғ-саломат бўлишингиз учун энг яхши тилакларимни йўллаб қоламан.

Профессор Дмитрий СКОБЕЛЬЦИН
Халқаро Сталин мукофоти Комитетининг раиси.

Доктор Дюбуага сўз берилади. Халқаро жюри, дейди Дюбуа Говард Фастга Тинчлик мукофотини берди. Халқаро Сталин мукофоти комитети мукофотини унга шахсан Москвада, Кремльда топширмоқчи эди, лекин давлат департаменти Фастга Совет Иттифоқига бориш учун паспорт беришдан бош тортди. Шу сабабли Халқаро Сталин мукофоти Комитетининг раиси академик Скобельцин Комитет номидан Говард Фастга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Сталин мукофоти лауреати дипломини ва олтин медалини топширади. Лауреатни тўпланганлар номидан Поль Робсон қизғин табриклайди.

Говард Фаст, — дейди Робсон, — тинчлик учун, барча миллатларнинг озодлиги ва тенглиги учун курашаётган ун миллионларча соф виждонли америкаликларнинг, мужассамидир.

Халқаро Сталин мукофоти лауреати Говард Фаст жавоб нутқи сўзлади.

Говард Фастнинг нутқи

Кишининг бундай дақиқаларда гапирмоқчи бўлган нарсаси, деди Фаст, ана шу гапларга сабаб бўлган нарса каби чуқур мазмунли бўлаолмайди, чунки бу сабабнинг моҳияти жуда чуқурдир. Мен ер юзидаги халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлашга қўмаклашганим учун мукофотландим, мен бундан миннатдорман, бундан чуқур та'сирландим ва бу блан фахрланаман.

Ана шу мукофот идеяси гоят муҳимдир, бу идея мукофот олаётган кишига қараганда кўп даража муҳимдир. Бу мукофот тинчликнинг Халқаро Сталин мукофоти деб аталади, башарти мен, айниқса бу ерда, шундай кўп дўстлар олдида, бу мукофот ёки бу мукофотга берилган ном менинг мамлакатимда ҳукмронлик қилаётган кишилар ўртасида зўр ҳурматга сазовордир, деб да'во қиладиган бўлсам, у ҳолда реал воқ'ликдан четга чиққан бўлур эдим. Ҳолбуки биз бунинг аксини кўрамиз, буни ўзларингиз ҳам яхши биласизлар. Мен сизлар тинчлик миллионларча америкаликларнинг, бинобарин, қариб бутун америкаликларнинг ҳурмат ва муҳаббатига сазовор бўлганини биласизлар деб ўйлайман.

Демак, мен ҳозиргина ўз қўлимга олган мукофотнинг берилиш фактининг ўзи муҳимдир. Бу тинчлик мукофотидир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон ўзгартиришга қодир эмас ва ўзгартираолмайди. Совет Иттифоқини бизнинг мамлакатимиздан узоқлаштириб турадиган сохта гаплар ва бўхтонлар тўқимаси ақалли бир дақиқа ҳам йиртиб, четга улоқтириб ташланадиган бўлса, биз ана шу мукофотни тақдим этган, кишилик учун тинчликни сақлаб қолаётган қудратли кучни кўрган бўламиз.

Мен ўйлайманки, ҳозир худди ана шундай пайт келди, ҳеч бўлмаганда, биз, бу залда тўпланганлар ана шу тўқимани қисқа вақтга бўлса ҳам йиртиб ташлай оламиз деб ўйлайман. Мен онгли равишда юмшатиб тўқима демоқдаман, чунки бизнинг дун'ёмизни социализм дун'ёсидан ажратиб турган нарса темир парда ҳам эмас, қалин тош девор ҳам эмас ва кўзга кўринмас тўсиқ ҳам эмас. Ер курасининг бирор ерида ана шундай ғов қўйса бўладиган замонлар аллақачон ўтиб кетди, ва ҳозир эса, ер юзидаги икки улуғ куч ўртасида бундай ғов қўйиш ҳар қачонгидан ҳам мушкулдир.

Кишилар, жуда кўп кишилар биз кишиликнинг ва кишилик яратган ҳой ҳамда гўзал маданиятнинг емирилиши қирғоғида турибмиз деб да'во қилдилар. Бундай емирилиш муқаррар деб да'во қилган кишилар ҳам бўлди. Мен қайғули, даҳшатли вақтни бошимиздан кечираётганимизни иккор этмайман. Лекин мен бу гапни айтганда, бу вақт шу блан бирга ёрқин ва гўзал вақт ҳам эканлигини айтмасдан ўтолмайман. Башарти биз емирилиш қирғоғида турган эканмиз, демак, шунингдек аллақандай янги нарса, я'ни янги тонг бўсағасида ҳам турибмиз. Ана шу янги замонда жуда хилма-хил ва мураккаб бўлган одамзод шундай бир хулосага келадики, бу хулоса одамзод тинчлик ва биродорликда яшаши керак деган хулоса бўлади, ана шу тинчлик ва биродорлик турли-туман халқларни ўз ичига қамраб олади. Менимча, биз бирга ўлишдан кўра бирга яшаш масаласини тезроқ ҳал қиламиз, — менинг умидим ва бутун кишилликнинг умиди ана шундайдир.

Бугун мен бу ерга ана шу масалалар юзасидан бахслашиш учун, ташқи сиёсатга баҳо бериш, ташқи сиёсатни танқид қилиш учун келганим йўқ. Мен буерга шунчаки, мукофот олиш — тинчлик мукофотини олиш учун келдим. Халқаро жюри томонидан менга ва бошқа кўп кишиларга берилган бу мукофотни Совет Иттифоқи та'сис этган. Башарти менда Совет Иттифоқини ҳурмат қилиш учун бошқа сабаблар бўлмаганда ҳам, мен Совет Иттифоқини бир нарса, я'ни унинг тинчлик учун мукофот берётганлиги учун самимий ва зўр ҳурмат қилган бўлар эдим.

Мен тинчлик мукофоти — тинчлик учун берилган мукофот эмас, деб айблаётган кишиларга тушунаолмайман. Бундай кишиларнинг асослари йўқ, мадомики асослари йўқ экан, ҳамжиҳатликка эришиб бўладими? Аҳир, бизга ана шу ҳамжиҳатлик керак-ку. Бизнинг дун'ёмиз блан социалистик дун'ёнинг бир вақтда тинч яшай олиши масаласи замонамизнинг энг зарур проблемаси бўлиб қолди, ана шу бир вақтда тинч яшайолиш, агар у барқарор бўладиган бўлса, у ҳолда кишиларнинг бир-бирларини тушуниширларига асосланган бўлиши керак.

Ана шундай бир вақтда тинч яшайолиш учун асослар — кўп асослар бор. Атом энергияси даҳшат солиш блан биргаликда, бизда планетамизнинг бойликларини эндигина топабошлаган эканмиз деган фикрни ҳам уйготади. Бу бойликлар бизнинг ҳаммамизга етиб ортади, келгуси авлодларга — сонсиз-саноқсиз, минг мингларча кишиларга етиб ортади. Бизнинг ана шу алоҳида-алоҳида яшовчи ҳар икки дун'ёмиз халқлар ўртасида тинч алоқа қилиш йўли блан бирлашадиган бўлсалар, у ҳолда бу ҳар икки дун'ё катта куч, енгиб бўлмайдиган қудратли куч бўлиб қолган бўлур эди .

Ҳа, уруш олиб боришга, лекин правардида ўзимиз ютиб чиқадиган, кишилик ютиб чиқадиган уруш олиб боришга тўғри келган бўлар эди. Биз касалликларга қарши уруш олиб борган ва бу касалликларни ер юзидан супириб ташлаган бўлар эдик. Биз қарилик, очлик ва қашшоқликка қарши уруш олиб борган бўлар эдик. Биз саҳроларга қарши урушган ва уларни боғ-рогларга айлантирган бўлар эдик. Биз вақт ва фазонинг ўзига қарши уруш олиб борган бўлар эдик, чунки биз кишининг энг қадимги орзу-армонларини — юлдузларга чиқиш ва уларнинг юлдузларга қўл тегизиш тўғрисидаги орзу-армонларини бажо келтириш арафасида турибмиз.

Биз тенталар эмасмиз, биз қайси мамлакатда яшашимиздан қат'ий назар, халқмиз, лекин мен кўпчиликни ташкил этган халқнинг яхши, виждонли ва меҳнатсевар бўлганинигина биламан. Биз юзларча авлодлар яшаган асрлар давомида буюк ва гўзал орзуни улуғлаб келдик, ва эндиликда биз ана шу орзуни ижро этиш арафасида турибмиз. Албатта, уни ижро этиш қийиндир, лекин шунчалик гўзал, шунчалик буюк ва шунчалик қаҳрамонона иш қийин бўлмасдан қоладми? Бизнинг болаларимиз бор, ва биз ўз болаларимиз учун ташвишланмоқдамиз, чунки, инсон ҳаёти ўтмишдан қанчалик қаҳрдор бўлса, келгусидан ҳам шунчалик қаҳрдордир. Ноҳотки, биз ўз болаларимизга тинчликка бориш йўли қийин бўлгани учунгина курашни тўхтатиб қўйдик ва сизларга ҳаробозорларни мерос қилиб қолдирдик деб айтсак? Мен ўйлайманки, биз бундай демаймиз. Мен ўйлайманки, биз тинчлик учун курашамиз, ва мен тинчлик учун курашда ғолиб чиқамиз деб умид қиламан, чунки, биз тинчликда енгиб чиқишимиз блан ҳамма нарсага, кишилик бир замонлар интилган ҳамма нарсага эришган бўламиз.

Бу шунчаки орзу эмас. Мен биламанки, бу ерда, Америкада урушни хаёл қилаётган ва уруш тайёрлаётган, кишиликни кризис ҳолатида тутиб туриш учун куч-ҳувваларини аямаётган тентак кишилар ҳам бор. Лекин бу тентак кишилар бутун кишиликнинг ҳаёти ҳамда умидига парво қилмаётирлар. Бошқа мамлакатларнинг халқлари блан бирга-ликда, менинг мамлакатим халқи ҳам: «Йўқ! Биз урушни истаймиз! Биз тинчликда яшаймиз» деб, қайта-қайта айтмоқда.

Бизнинг даврмиз ана шундай даврдир ва шу сабабли Тинчлик мукофотининг шу ерда, Америкада топширилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Мукофотнинг шу ерда топширилиши биз учун, америкалилар учун тинчлик йўлида курашга чақириқ демакдир. Биз бу чақириқни қабул қилишимиз, ё бўлмаса, мамлакатда миллионларча тинчликсевар америкаликларнинг атом милитаристларига нисбатан салмоғи катта эканлигини кўрсатишимиз, ё бўлмаса бутун кишиликнинг умид-орзуларини алдашимиз ва шармандалик ҳамда даҳшат кўп асрлар бўйи қисматимиз бўлиб қолишига йўл қўйишимиз керак.

Мен бундай шармандалик ва даҳшатларга рози бўлмасак керак деб ўйлайман, менинг ишончим комилки, америка халқи ер юзидаги барча халқлар блан бирга-ликда, урушга қарши, тинчлик учун курашга отланажак.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг раиси И. Д. НАЗАРЕНКО доклади

Депутат ўртоқлар! Миллатлар Совети СССР Конституциясининг 35-нчи моддасига мувофиқ, СССР гражданлари томонидан иттифоқчи ва автоном республикалар, автоном областьлар ва миллий округлар бўйича сайланди.

Миллатлар Советига сайлов ўтказиш учун СССР Олий Советининг Президиуми 639 та сайлов округи ташкил қилди.

1954 йил 14 мартда 639 сайлов округининг ҳаммасида сайлов ўтказилди. Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг Миллатлар Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатган вакиллари ҳамма сайлов округларида овозларнинг катта кўпчилигини олдилар ва СССР Олий Советига депутат бўлиб сайландилар.

Миллатлар Советининг Мандат Комиссияси СССР Конституциясининг 50-нчи моддасига асосан, Миллатлар Советига сайланган ҳарбир депутатнинг ваколатларини текшириб чиқди. Миллатлар Советининг Мандат Комиссияси депутатликка кандидатларни рўйхатга олиш протоколларини ва округ сайлов комиссиялари томонидан тузилган овоз бериш протоколларини, шунингдек СССР Олий Советига сайловлар ўтказучи Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган бошқа материалларни кўриб чиқиб, 639 та сайлов округининг ҳаммасида сайловлар СССР Конституциясига ҳамда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади. СССР Конституциясининг ёки СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг бузилганлиги тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига, округ сайлов комиссияларига ва Миллатлар Советининг Мандат Комиссиясига ҳеч қандай шикоят ёки ариза тушмади.

Шундан қилиб, Миллатлар Советининг Мандат Комиссияси Миллатлар Советининг ҳамма депутатлари тўғри сайланган ва бирон сайлов округи бўйича сайловни бекор қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деб ҳисоблайди. (Қарсаклар).

Миллатлар Советига ўтказилган сайлов тўғрисидаги ма'лумотларни келтирамиз. 1954 йил март ойида СССР Олий Советига сайлов ўтказиш вақтида сайловчиларнинг рўйхатларига 120 миллион 750 минг 816 сайловчи ёзилди. СССР Олий Советига 1950 йилда ўтказилган сайлов блан таққослаб кўрганда, сайловчиларнинг сони 9 миллион 634 минг 443 киши кўпайди.

Рўйхатларга ёзилган ҳамма сайловчилардан овоз беришда 120 миллион 727 минг 826 киши ёки ҳамма сайловчиларнинг 99,98 проценти қатнашди. Миллатлар Советига сайловлар ўтказилган ҳамма сайлов округларида коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун 120 миллион 539 минг 860 сайловчи овоз берди, бу эса овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг 99,84 процентини ташкил қилади.

СССР Олий Советига сайловлар ҳамма жойда аҳолининг сиёсий ғайрати жуда кучайган, аҳоли юксак даражада ушган ва активлашган вазиятда ўтди ва совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлигини, унинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тезарагида жипслашганлигини кўрсатуви улуғвор намойиш бўлди. (Давомли қарсаклар).

Мамлакатимиздаги сайловчиларнинг коммунистлар блан партиясизлар блоки кандидатлари учун яқдил бўлиб овоз берганликлари совет халқларининг қардошларча дўстлиги, шу дўстликнинг бузилмаслигини ва мустаҳкамлигини кўрсатучи ёрқин далилдир. Миллатлар Совети депутатларининг кўп миллат вакилларидан иборат эканлиги совет халқларининг улуғ дўстлигидан, мамлакатимиз халқларининг ленинча-сталинча дўстлиги мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Миллатлар Совети депутатлари орасида руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, қозоқлар, грузинлар, озарбайжонлилар, литвалилар, молдаванлар, латишлар, қирғизлар, тожиклар, арманлар, туркманлар, эстонлар, кареллар ва финлар, татарлар, боқирдлар, бурят ва мўғуллар, доғистон халқлари, кабардинлар, қорақалпоқлар, комилар, марилар, мордвинлар, осетинлар, удмурдлар, чувашлар, ёқутлар, абхазлар, оттойлилар, тузалар, адигейлар, хакаслар, яҳудийлар, эвенклар, шунингдек бошқа миллатлар ва халқларнинг вакиллари ҳам бор.

Инсониятнинг бутун тарихида биринчи марта Совет социалистик давлатида гражданларнинг давлат, хўжалик, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, уларнинг қайси миллат ва ирқдан бўлишларидан қат'ий назар, чинакам тўла тенг ҳуқуқли бўлишлари амалга оширилди. Мамлакатимизнинг ҳамма халқлари ягона қардош оилада бирлашиб, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунистик жамият қуриш йўлидан ишонч блан олға бормоқдалар.

Мамлакатимиз халқларининг дўстлиги — Улуғ Октябрь социалистик революциясида вужудга келган, шонли Коммунистик партиямиз томонидан вояга етказилган, халқ душманларига қарши жангларда чиниққан ва синалган мана шу дўстлик кўпмиллатли Совет давлати енгилмас кучларининг манбаидир, қардош республикаларнинг ҳамма муваффақиятларини та'миналайдиган шартдир, жамиятимиз тараққиётининг ҳаракатлантируви кучларидан биридир.

Совет халқининг душманлари Ватанимиз халқларининг дўстлигини бузишга, уларни бир-биридан ажратишга ва бу блан Совет давлатининг қудратини заифлантиришга неча марталаб уриниб кўрдилар. Лекин бу уринишлардан ҳеч бир натижа чиқмади. Душманлар фош қилинди ва емирилб ташланди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларининг улуғ қардошлик дўстлигини бузаоладиган куч дун'ёда йўқ, чунки бу дўстликни халқларнинг ўзлари қурашиб қўлга киргиздилар, бу дўстлик халқларнинг тўб манфаатларини ва интилишларини ифодалайди, бу дўстлик гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида тўкилган қонлар блан маҳкамланган, мамлакатимизда коммунизмнинг ғалабаси учун олиб борилган умумий қурашда мустаҳкамланган.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилганлигининг бу йил нишонланаётган 300 йиллиги мамлакатимиз халқларининг ўсиб бораётган дўстлигини кўрсатучи ёрқин ва ажойиб далиллардан биридир. Бу байрам фақат украина ва рус халқларининг, чинакам миллий байрамигина бўлиб қолмасдан, шу блан бирга, улуғ Ватанимиздаги ҳамма халқларнинг ҳам байрамидир,

Депутат ўртоқлар! Миллатлар Советига хотин-кизлардан 178 киши сайланди, бу эса Миллатлар Советидаги ҳамма депутатларнинг 27,9 процентини ташкил қилади, депутат бўлиб сайланган хотин-кизлар орасида Совет Иттифоқидагга барча иттифоқчи, автоном республикаларнинг ва автоном областьларнинг вакиллари бор. Совет давлатида хотин-кизлар хўжалик, маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида, давлатни бошқариш ишларида активэ иштирок қилмоқдалар. Миллатлар Советига депутат бўлиб сайланган хотин-кизлар орасида партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг раҳбар ходими бўлиб ишловчилар 32 киши, ўрта мактабларнинг ўқитучилари 34 киши, врачлар 12 киши, инженерлар 12 киши, агрономлар 11 киши, ишлабчиқаришда ишловчи ишчилар 23 киши, колхозчилар 37 киши бўлиб, шулардан 8 киши колхозларда раис бўлиб ишлайди.

Миллатлар Совети депутатлигига сайланганлар орасида ишчилар 130 киши, деҳқонлар 106 кишидир. Мана шу ма'лумотлар ишчилар синфи блан деҳқонларнинг иттифоқи бузилмаслигини ва янада мустаҳкамланиб бораётганлигини кўрсатади. Бу Иттифоқ ишчилар синфи блан деҳқонларнинг манфаатлари бирлигига, қураш ва меҳнат соҳасидаги маҳсадларининг умумийлигига асосланган иттифоқдир.

Миллатлар Совети составида қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларидан 117 депутат бор. Булар орасида МТСларнинг ва совхозларнинг директорлари 10 киши, агрономлар, зоотехниклар ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассислари 14 киши, тракторчилар ва комбайнчилар 10 киши, колхоз раислари 53 киши, звено бошлиқлари, бригадирлар, ферма мудирлари 30 киши.

Миллатлар Советининг депутатларидан 116 киши фан, адабиёт ва сан'ат ходимларидир. Депутатликка отоқли олимлар, артистлар, ёзучилар, инженерлар, педагоглар, врачлар сайланди.

Миллатлар Совети депутатлари составида партия, совет, касаба союз ва хўжалик раҳбар ходимлари, шунингдек Совет Армиясининг вакиллари бор. Совет Армияси вакилларининг СССР давлат ҳокимияти олий органига сайланганлиги совет халқининг давлат чегараларини ва совет халқининг тинч меҳнатини мустаҳкам сақлаб туручи ўз армиясига кизгин муҳаббат блан қараётганлигини кўрсатади. (Қарсаклар).

Миллатлар Совети депутатларининг кўпчилиги — 553 киши ёки 86,5 проценти Совет Иттифоқи орденлари ва медальлари блан мукофотланган кишилардир. Депутатлардан 19 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, 22 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, 39 киши Сталин мукофоти лауреатларидир. Сталин мукофоти лауреатлари орасида машҳур олимлар, шунингдек ишлабчиқариш новаторлари бўлган ишчилар ва колхозчилар бор.

Миллатлар Совети депутатларининг ма'лумоти тўғрисидаги рақамлар диққатга сазовордир. 639 депутатдан 294 депутат ёки 46 проценти олий ма'лумотли кишилар, 51 депутат ёки 8 проценти тўлиқ олий ма'лумоти бўлмаган кишилар, 113 депутат ёки 17,7 проценти ўрта ма'лумотли кишилар, 181 депутат ёки 28,3 проценти тўлиқ ўрта ма'лумоти бўлмаган ва бошланғич ма'лумотли кишилардир.

Миллатлар Совети депутатлари ёш жиҳатидан қуйидагичадир: 23 ёшдан 30 гача бўлганлар — 72 депутат, 31 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар—147 депутат, 41 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар — 250 депутат, 51 ёшдан 60 ёшгача бўлганлар—50 ёшгача бўлганлар—348 киши, 51 ёшдан 60 ёшгача бўлганлар—173 киши, 60 ёшдан юқори бўлганлар — 37 киши.

Иттифоқ Совети депутатларининг составы тўғрисида келтирилган ма'лумотлар аҳолининг жуда кенг табақалари қайси ирқ ва миллатдан бўлишларига, жинсларига, ма'лумот цензига, социал келиб чиқишига, мулкий аҳволига ва ўтмишдаги фаолиятига қарамай, социалистик давлатимизни бошқаришда актив иштирок қилаётганликларини кўрсатади.

Депутат ўртоқлар! Совет Иттифоқининг Қуролли Кучлари Ватанимиз чегараларини ва совет кишиларининг тинч меҳнатини сергаклик блан қўриқлаб турибдилар. Совет халқи ўз армиясини чексиз севади ва Иттифоқ Советига Совет давлати Қуролли Кучлари вакилларидан 47 кишини депутат қилиб сайлади.

Иттифоқ Советига КПСС а'золари ва кандидатларидан 565 киши ва партиясизлардан 143 киши депутат бўлиб сайланди. Бу рақамлар Совет халқининг Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига тўла ва чексиз ишонч блан қараётганлигини кўрсатади.

Совет Иттифоқи халқлари Коммунистик партия сиёсатининг тўғрилигига, партиянинг сиёсати халқнинг чин манфаатларига мос келадиган сиёсат эканлигига ўзларининг кўпйиллик тажрибаларида ишонч ҳосил қилдилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, унинг Марказий Комитетининг бутун фаолияти халққа сидқидил блан хизмат қилишнинг намунасидир. Коммунистик партиянинг бутун фаолияти шуни кўрсатадики, партия учун улуғ Социалистик Ватанимиз меҳнаткашлари манфаатларидан кўра юқори турадиган манфаат йўқ.

Совет кишилари коммунистлар блан партиясизлар бузилмас блокининг кандидатлари учун яқдил бўлиб овоз бериш блан Коммунистик партиянинг сиёсатини кизғин суратда қўллаб-қувватлаганликларини намойиш қилиб кўрсатдилар, чунки бу сиёсат социалистик саноатимизни янада яшнатишга ва қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришга, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини тинмай оширишга, социалистик давлатимизнинг қудратини бутун чоралар блан мустаҳкамлашга, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун қурашда янги муваффақиятларга эришишга, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришга қаратилган сиёсатдир.

Совет халқи жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг раҳбарларини жуда катта хурсандчилик блан Иттифоқ Советига депутат қилиб сайлади.

Депутат ўртоқлар! Иттифоқ Советининг Мандат комиссияси ўзи қилган ишнинг натижасида қуйидаги қарорни қабул қилди ва бу қарорни сизларнинг муҳокамангизга тақдим этади:

«Иттифоқ Советининг Мандат комиссияси Иттифоқ Советига сайлов бўйича ҳарбир депутат ҳақида Марказий сайлов комиссияси томонидан тақдим этилган барча сайлов ҳужжатлари ва материалларини текшириб чиқиб, қуйидагиларни аниқлади:

1. 708 сайлов округининг ҳаммасида Иттифоқ Советига депутатлар сайлови СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга асосан ва уларга тамомила мувофиқ суратда ўтказилган.

2. Сайлов округларида ҳам, Марказий сайлов комиссиясида ҳам бирор сайлов округида сайловни бекор қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ, шунингдек Иттифоқ Советига депутатлар сайлаш бўйича СССР Конституциясининг ёки СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг бузилганлиги тўғрисида ҳеч қандай шикоят ва ариза йўқ.

Миллатлар Советининг Мандат Комиссияси юқорида баён қилинганларга биноан, Марказий сайлов комиссиясида рўйхатга олинган Иттифоқ Совети барча депутатларининг ваколатини тўғри деб топиш ҳақидаги таклифни Иттифоқ Советининг тасдиқига тақдим этади. Бу депутатларнинг рўйхати «Известия» газетасининг 1954 йил 18 мартда чиққан 66-нчи сонида э'лон қилинган». (Қарсаклар).

Иттифоқ Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат И. Д. МУСТАФАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! СССР Конституциясининг ва Иттифоқ Советининг Мандат комиссияси 1954 йил 14 мартда Иттифоқ Советига сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириб чиқди ва ўз ишининг натижалари тўғрисида доклад қилади.

СССР Олий Совети Президиуми Иттифоқ Советига сайлов ўтказиш учун 708 та сайлов округи, я'ни 1950 йилда Иттифоқ Советига ўтказилган сайловдагига қараганда 30 та кўп сайлов округи ташкил қилган эди. Бизнинг мамлакатимизда аҳолининг сони анча кўпайганлиги сабабли сайлов округларининг сони ҳам кўпайтирилди.

СССР Олий Советига сайлов аҳолининг ватанпарварлик ғайрати жуда кучайган, сиёсий активлиги ва уюшқоқлиги юксалган вазиятда ўтди. Сайлов совет халқининг муттасил мустаҳкамланиб бораётган ма'навий-сиёсий бирлигини, халқимизни коммунистик жамият қуриш йўлидан ишонч блан бошлаб бораётган Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тезарагида совет халқининг жипслашганлигини кўрсатуви қудратли намойишга айланди.

Ҳамма сайлов округлари бўйича Иттифоқ Советига депутатлар сайлашда 120 миллион 750 минг 816 кишидан иборат ҳамма сайловчидан 120 миллион 727 минг 826 сайловчи қатнашди, бу эса 99,98 процентни ташкил қилади. Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун 120 миллион 479 минг 249 киши, ёки овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,79 проценти овоз берди. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, сайловчиларнинг умумий сони 1950 йилда СССР Олий Советига ўтказилган сайловдагига нисбатан 9 миллион 634 минг 443 киши кўпайди.

Иттифоқ Советининг Мандат комиссияси депутатликка кандидатларни рўйхатга олиш протоколларини ва округ сайлов комиссияларнинг овоз бериш протоколларини, шунингдек СССР Олий Советига сайлов ўтказучи Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган бошқа материалларни кўриб чиқиб, 708 та сайлов округининг ҳаммасида сайловлар СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади. Текшириш натижасида шу нарса аниқландики, бирон сайлов округида сайловнинг тўғри ўтказилганлигини шубҳа остида қолдирадиган шикоят ва аризалар Марказий сайлов комиссиясига ҳам, шунингдек округ сайлов комиссияларига ҳам тушмади. Шунга биноан, Мандат комиссияси Иттифоқ Советига сайловчиларнинг мутлақо кўпчилиги томонидан сайланган 708 депутатнинг ҳаммасининг ваколатларини тўғри деб ҳисоблайди.

Депутат ўртоқлар! Иттифоқ Совети депутатлари составига 188 ишчи, 114 деҳқон ва 406 совет интеллигенциясининг вакиллари — инженерлар, техниклар, партия ва совет ташкилотларининг ходимлари, фан, маданият ходимлари ва бошқа ходимлар сайланди.

Иттифоқ Совети депутатлигига ишлабчиқаришда бевосита ишлаб турган ишчилар, корхоналарнинг директорлари, қурилиш бошлиқлари, инженерлар ва халқ хўжалигининг айрим тармоқларида ишловчи бошқа мутахассислар сайландилар.

Иттифоқ Советига колхоз раисларидан 58 киши, МТС ва совхозларнинг директорларидан 14 киши, агроном ва зоотехниклардан 22 киши, тракторчи ва комбайнчилардан 9 киши, бригадирлар, ферма мудирлари, звено бошлиқлари ва бошқа колхозчилардан 32 киши сайланди.

Иттифоқ Совети депутатлари орасида—ўз кашфиётлари блан совет фанини бойитаётган ва халқ хўжалигини муваффақиятли равишда ривожлантиришга ёрдам бераётган отоқли совет олимлари бор. Иттифоқ Совети депутатлари составида талантли ёзучилар, ҳизмат кўрсатган ўқитучилар ва врачлар, шунингдек сан'ат усталари бор бўлиб, булар ўзларининг ижодий меҳнатлари блан мамлакатимизда халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ишларини, маданиятни ва сан'ат ишларини кун сайин яхшиламоқдалар.

Иттифоқ Совети депутатлигига мамлакатимизнинг илғор кишилари—Улуғ Ватан уруши даврида ва социалистик меҳнат фронтида донг чиқарган кишилар СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади. Текшириш натижасида шу нарса аниқландики, бирон сайлов округида сайловнинг тўғри ўтказилганлигини шубҳа остида қолдирадиган шикоят ва аризалар Марказий сайлов комиссиясига ҳам, шунингдек округ сайлов комиссияларига ҳам тушмади. Шунга биноан, Мандат комиссияси Иттифоқ Советига сайловчиларнинг мутлақо кўпчилиги томонидан сайланган 708 депутатнинг ҳаммасининг ваколатларини тўғри деб ҳисоблайди.

СССР Олий Советига сайлов ўтказиш учун СССР Олий Советининг Президиуми 639 та сайлов округи ташкил қилди.

1954 йил 14 мартда 639 сайлов округининг ҳаммасида сайлов ўтказилди. Коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг Миллатлар Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатган вакиллари ҳамма сайлов округларида овозларнинг катта кўпчилигини олдилар ва СССР Олий Советига депутат бўлиб сайландилар.

Миллатлар Советининг Мандат Комиссияси СССР Конституциясининг 50-нчи моддасига асосан, Миллатлар Советига сайланган ҳарбир депутатнинг ваколатларини текшириб чиқди. Миллатлар Советининг Мандат Комиссияси депутатликка кандидатларни рўйхатга олиш протоколларини ва округ сайлов комиссиялари томонидан тузилган овоз бериш протоколларини, шунингдек СССР Олий Советига сайловлар ўтказучи Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган бошқа материалларни кўриб чиқиб, 639 та сайлов округининг ҳаммасида сайловлар СССР Конституциясига ҳамда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади. СССР Конституциясининг ёки СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомнинг бузилганлиги тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига, округ сайлов комиссияларига ва Миллатлар Советининг Мандат Комиссиясига ҳеч қандай шикоят ёки ариза тушмади.

Шундан қилиб, Миллатлар Советининг Мандат Комиссияси Миллатлар Советининг ҳамма депутатлари тўғри сайланган ва бирон сайлов округи бўйича сайловни бекор қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деб ҳисоблайди. (Қарсаклар).

Миллатлар Советига ўтказилган сайлов тўғрисидаги ма'лумотларни келтирамиз. 1954 йил март ойида СССР Олий Советига сайлов ўтказиш вақтида сайловчиларнинг рўйхатларига 120 миллион 750 минг 816 сайловчи ёзилди. СССР Олий Советига 1950 йилда ўтказилган сайлов блан таққослаб кўрганда, сайловчиларнинг сони 9 миллион 634 минг 443 киши кўпайди.

Рўйхатларга ёзилган ҳамма сайловчилардан овоз беришда 120 миллион 727 минг 826 киши ёки ҳамма сайловчиларнинг 99,98 проценти қатнашди. Миллатлар Советига сайловлар ўтказилган ҳамма сайлов округларида коммунистлар блан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун 120 миллион 539 минг 860 сайловчи овоз берди, бу эса овоз беришда қатнашган ҳамма сайловчиларнинг 99,84 процентини ташкил қилади.

СССР Олий Советига сайловлар ҳамма жойда аҳолининг сиёсий ғайрати жуда кучайган, аҳоли юксак даражада ушган ва активлашган вазиятда ўтди ва совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлигини, унинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тезарагида жипслашганлигини кўрсатуви улуғвор намойиш бўлди. (Давомли қарсаклар).

Мамлакатимиздаги сайловчиларнинг коммунистлар блан партиясизлар блоки кандидатлари учун яқдил бўлиб овоз берганликлари совет халқларининг қардошларча дўстлиги, шу дўстликнинг бузилмаслигини ва мустаҳкамлигини кўрсатучи ёрқин далилдир. Миллатлар Совети депутатларининг кўп миллат вакилларидан иборат эканлиги совет халқларининг улуғ дўстлигидан, мамлакатимиз халқларининг ленинча-сталинча дўстлиги мустаҳкамланиб ва ривожланиб бораётганлигидан далолат беради. Миллатлар Совети депутатлари орасида руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар, қозоқлар, грузинлар, озарбайжонлилар, литвалилар, молдаванлар, латишлар, қирғизлар, тожиклар, арманлар, туркманлар, эстонлар, кареллар ва финлар, татарлар, боқирдлар, бурят ва мўғуллар, доғистон халқлари, кабардинлар, қорақалпоқлар, комилар, марилар, мордвинлар, осетинлар, удмурдлар, чувашлар, ёқутлар, абхазлар, оттойлилар, тузалар, адигейлар,

Миллатлар Советида

Кеча, 23 апрельда, Москвада, Катта Кремль Саройида СССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом этдирди.

Эрта блан соат 10 да Миллатлар Советининг тўртинчи мажлиси очилди.

Раис столи ёнида Миллатлар Советининг Раиси ва унинг ўринбосарлари ўтирибдилар. Ҳукумат ложаларида — партия ва ҳукумат раҳбарлари, министрлар ўтирибдилар.

Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат **И. Д. Назаренко**га доклад қилиш учун сўз берилди. Депутат И. Д. Назаренко қуйидагиларни ма'лум қилади: Мандат комиссияси депутатларнинг ваколатини текшириб чиқди ва 639 сайлов округининг ҳаммасида сайлов СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомга тамомила мувофиқ суратда ўтказилганлигинқ аниқлади.

Олий Совет сайлови ҳамма ерда аҳолининг сиёсий активлиги гоят ўсган, уюшқоқлиги ва ғайрати бенизоя юксалган бир вазиятда ўтди ва совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлигини, унинг Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига жипслашганлигини кўрсатган буюк намойиш бўлди. Совет халқининг буюк бирдамлиги Миллатлар Совети депутатларининг составы кўп миллатлар вакилларидан иборат бўлганлиги блан характерланади.

Депутат **И. С. Кодицанинг** (Молдавия ССР) таклифига мувофиқ, Миллатлар Совети Мандат комиссиясининг докладини яқдиллик блан тасдиқлаб ва палатадаги барча депутатларнинг ваколатини тўғри деб ҳисоблашга қарор қилади.

Мандат комиссиясининг доклади тасдиқланганидан кейин СССРнинг 1954 йилги Давлат бюджетини муҳокама қилиш давом этди.

Депутат **Ш. М. Арушанянга** (Арманистон ССР) сўз берилди.

— Арман халқи,— дейди у,— совет ҳокимияти йилларида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият соҳасида, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Ўтган йили республика саноатининг ялпи маҳсулоти 1952 йилдагига нисбатан 18,5 процент ортди, 1954 йилнинг биринчи кварталида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,6 процент кўпайди. 1953 йилда жун-газлама тайёрлаш 49,8 процент, шойи газлама тайёрлаш 28,7 процент ортди, озиқ-овқат маҳсулотлари, вино ва коньяк анча кўп ишлаб чиқарилабошлади. Аммо,— дейди нотиқ,— республикадаги қўшина колхоз ва совхозлар ўтган йили қониқарсиз ишладилар.

Депутат Арушанян химия саноати, электростанциялар ва электр саноати, рангли металлургия ва машинасозлик министрликларининг ишларини танқид қилади. Бу министрликлар Арманистон республикаси территориясида жойлашган ўз корхоналарига конкрет ёрдам бермаётирлар.

СССР совхозлар министри **А. И. Козлов** ўз нутқида айтдики, бу йил совхозларда капитал қурилишга сарфланадиган маблағ миқдори ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд оширилди. Совхозлар бу йил 37 мингдан ортиқ янги комбайн ва кўп миқдорда бошқа ҳозирги замон қишлоқ хўжалик машиналари оладилар.

Сўнгра депутат Козлов, Совхозлар министрлиги совхозларга раҳбарлик қилишда рўй берган ва КПСС Марказий Комитетининг февраль-март Пленуми қарорида кўрсатилган камчилик ва хатоларни тузатиш учун чора кўради, деди.

Совхозлар шу йилнинг ўзидаёқ камида 4,3 миллион гектар янги ерни ҳайдаб дон экинлари экишлари керак. Дон ҳосилини анча ошириш чоралари кўрилмоқда.

Депутат **И. И. Туряница** Закарпат областининг экономикаси ва маданияти ривожланаётганлиги ҳақида сўзлайди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1946 йилдагига нисбатан 5,2 баравар ортди. Кўмир, қоғоз, трикотаж, тикувчилик ва пойафзал саноати янгидан барпо қилинди. Дон, молга ем бўладиган дон экинлари ва техника экинлари майдонлари кўпгина кенгайтирилди. Сўнгги тўрт йил ичида узумзорлар, боғлар ва резавор мевазорлар 8 минг гектардан ортиқ кенгайтирилди. Колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда областьда 60 та миллионер колхоз бор.

Закарпатьеда ўрта ўқув юртларининг сони 14 мартдан зиёд кўпайди. Неча юзлаб йигит ва қизлар мамлакатнинг турли шаҳарларидаги олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Мукачев районидаги Великие Лучки қишлоғининг бир ўзидангина олий ўқув юртларида 100 дан ортиқ киши ўқимоқда.

Депутат Туряница 1954 йилги Давлат бюджети проектини Бюджет комиссиясининг тузатишлари блан тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қувватлайди.

Депутат **Р. Г. Васильева** (Ёқутистон АССР) сўз берилди.

Ёқутистон республикасининг давлат бюджети,— деди у,— йил сайин ортиб бормоқда. 1953 йилда Ёқутистон бюджети харажатларининг умумий суммаси 1940 йилдагидан 230 процент ортиқ бўлди. Бюджет маблағларининг тўртдан уч қисми халқ маорифини, соғлиқни сақлаш, маданият, фан ва сан'атни ривожлантиришга сарф қилинади.

Буларнинг ҳаммаси,— деб сўзини давом этдиради нотиқ,— Коммунистик партиямиз ленинча-сталинча миллий сиёсатининг ҳаётийлигини ва инсонпарварлигини яққол кўрсатади. Ёқутистон илгари чоризмнинг мустамлакаси ва феодалларнинг вотчинаси бўлиб, доим очарчилик мамлакати деб ҳисобланар эди. Ёқутистон совет ҳокимияти йилларида саноатлашган-колхозлашган социалистик республикага айланди.

Депутат Васильев СССР Ўрмон ва қоғоз саноати министрлигини Лена дар'ёси ҳавзасида кўпроқ ёғоч тайёрлаш учун амалий тадбирлар кўрмаётганлиги учун танқид қилади.

СССР Маданият министри депутат **Г. Ф. Александров** минбарга чиқади. Совет Иттифоқининг бюджети,— дейди у,— Совет давлатининг маданият тўғрисида бенизоя ғўр ғамхўрлик қилаётганлигини очиқ кўрсатади. Маданият ва маорифни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан сарф қилинаётган маблағ йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд оширилди. Совхозлар бу йил 37 мингдан ортиқ янги комбайн ва кўп миқдорда бошқа ҳозирги замон қишлоқ хўжалик машиналари оладилар.

Сўнгра депутат Козлов, Совхозлар министрлиги совхозларга раҳбарлик қилишда рўй берган ва КПСС Марказий Комитетининг февраль-март Пленуми қарорида кўрсатилган камчилик ва хатоларни тузатиш учун чора кўради, деди.

Совхозлар шу йилнинг ўзидаёқ камида 4,3 миллион гектар янги ерни ҳайдаб дон экинлари экишлари керак. Дон ҳосилини анча ошириш чоралари кўрилмоқда.

Депутат **И. И. Туряница** Закарпат областининг экономикаси ва маданияти ривожланаётганлиги ҳақида сўзлайди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1946 йилдагига нисбатан 5,2 баравар ортди. Кўмир, қоғоз, трикотаж, тикувчилик ва пойафзал саноати янгидан барпо қилинди. Дон, молга ем бўладиган дон экинлари ва техника экинлари майдонлари кўпгина кенгайтирилди. Сўнгги тўрт йил ичида узумзорлар, боғлар ва резавор мевазорлар 8 минг гектардан ортиқ кенгайтирилди. Колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда областьда 60 та миллионер колхоз бор.

Закарпатьеда ўрта ўқув юртларининг сони 14 мартдан зиёд кўпайди. Неча юзлаб йигит ва қизлар мамлакатнинг турли шаҳарларидаги олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Мукачев районидаги Великие Лучки қишлоғининг бир ўзидангина олий ўқув юртларида 100 дан ортиқ киши ўқимоқда.

Депутат Туряница 1954 йилги Давлат бюджети проектини Бюджет комиссиясининг тузатишлари блан тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қувватлайди.

Депутат **Р. Г. Васильева** (Ёқутистон АССР) сўз берилди.

Ёқутистон республикасининг давлат бюджети,— деди у,— йил сайин ортиб бормоқда. 1953 йилда Ёқутистон бюджети харажатларининг умумий суммаси 1940 йилдагидан 230 процент ортиқ бўлди. Бюджет маблағларининг тўртдан уч қисми халқ маорифини, соғлиқни сақлаш, маданият, фан ва сан'атни ривожлантиришга сарф қилинади.

Буларнинг ҳаммаси,— деб сўзини давом этдиради нотиқ,— Коммунистик партиямиз ленинча-сталинча миллий сиёсатининг ҳаётийлигини ва инсонпарварлигини яққол кўрсатади. Ёқутистон илгари чоризмнинг мустамлакаси ва феодалларнинг вотчинаси бўлиб, доим очарчилик мамлакати деб ҳисобланар эди. Ёқутистон совет ҳокимияти йилларида саноатлашган-колхозлашган социалистик республикага айланди.

Депутат Васильев СССР Ўрмон ва қоғоз саноати министрлигини Лена дар'ёси ҳавзасида кўпроқ ёғоч тайёрлаш учун амалий тадбирлар кўрмаётганлиги учун танқид қилади.

СССР Маданият министри депутат **Г. Ф. Александров** минбарга чиқади. Совет Иттифоқининг бюджети,— дейди у,— Совет давлатининг маданият тўғрисида бенизоя ғўр ғамхўрлик қилаётганлигини очиқ кўрсатади. Маданият ва маорифни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан сарф қилинаётган маблағ йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд оширилди. Совхозлар бу йил 37 мингдан ортиқ янги комбайн ва кўп миқдорда бошқа ҳозирги замон қишлоқ хўжалик машиналари оладилар.

Сўнгра депутат Козлов, Совхозлар министрлиги совхозларга раҳбарлик қилишда рўй берган ва КПСС Марказий Комитетининг февраль-март Пленуми қарорида кўрсатилган камчилик ва хатоларни тузатиш учун чора кўради, деди.

Совхозлар шу йилнинг ўзидаёқ камида 4,3 миллион гектар янги ерни ҳайдаб дон экинлари экишлари керак. Дон ҳосилини анча ошириш чоралари кўрилмоқда.

Депутат **И. И. Туряница** Закарпат областининг экономикаси ва маданияти ривожланаётганлиги ҳақида сўзлайди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1946 йилдагига нисбатан 5,2 баравар ортди. Кўмир, қоғоз, трикотаж, тикувчилик ва пойафзал саноати янгидан барпо қилинди. Дон, молга ем бўладиган дон экинлари ва техника экинлари майдонлари кўпгина кенгайтирилди. Сўнгги тўрт йил ичида узумзорлар, боғлар ва резавор мевазорлар 8 минг гектардан ортиқ кенгайтирилди. Колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда областьда 60 та миллионер колхоз бор.

Закарпатьеда ўрта ўқув юртларининг сони 14 мартдан зиёд кўпайди. Неча юзлаб йигит ва қизлар мамлакатнинг турли шаҳарларидаги олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Мукачев районидаги Великие Лучки қишлоғининг бир ўзидангина олий ўқув юртларида 100 дан ортиқ киши ўқимоқда.

Депутат Туряница 1954 йилги Давлат бюджети проектини Бюджет комиссиясининг тузатишлари бл

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Волга-Каспий балиқ овлаш райони, деди нотиқ, мамлакатга ҳозирги вақтда бераётганига нисбатан анча кўп балиқ овлаб бериши мумкин. Лекин бу имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир. Балиқ овлашга жумладан, флотнинг овланган балиқни қабул қилиш ва уни қайтадан ишлайдиган жойларга ташишга улгираолмаётганлиги тўсқинлик қилмоқда. СССР Балиқ саноати министрлиги флотни ўзиюрар рефрижератор кемалар блан та'минлаш ҳақидаги масалани дарҳал кўриб чиқиши зарур.

Депутат Ганенко Ўрта ва Жанубий Каспий сувларида балиқ овлаш жойларини кенг ўзлаштириш ҳақидаги масалани ўртага қўйди. Бундаги балиқ запаслари балиқ овлашни икки-уч баравар кўпайтириш имкониятини беради.

Депутат **Т. Ўлжабоев** Тожикистон меҳнаткашларининг муваффақиятлари тўғрисида сўзлади. Тожикистон меҳнаткашлари бу йил ўз республикаси ташкил қилинганига 25 йил тўлганлигини нишонлайдилар. Чорак аср мобайнида Тожикистонда кўпгина фабрика, заводлар, шахталар, рудниклар, темир йўл ва автомобиль магистраллари қурилди, ҳаво трассалари ташкил этилди. Илгари ер камлигидан ва сув танқислигидан қийналиб келаётган қишлоқ хўжалиги механизациялаштирилган йирик социалистик хўжалик бўлиб қолди. Ўнларча канал ва бошқа ирригация иншоотлари қурилди. Тожикистон пахта етиштириш бўйича Совет Иттифоқининг асосий базаларидан бирига айланди.

Сўнгра нотиқ кадрлар тайёрлаш масаласига тўхталади. Республикада қишлоқ хўжалик институти бор, лекин бу институт тайёрлаб чиқараётган мутахассисларнинг сони қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини та'минлайолмайди. Республика органлари СССР Олий та'лим министрлиги олдига институт учун бинолар қуриш тўғрисидаги масалани бирнеча марта қўйган бўлсалар ҳам, фақат курук ва'далар олиниб келинди, аммо амалий чоралар кўрилмади.

Депутат **Улжабоев** Давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қувватлайди.

Депутат **Я. Э. Калнберзин** (Латвия ССР) сўз олади. У, Латвия ССРнинг саноатни риважлантиришдаги муваффақиятлари ҳақида Латвия Коммунистик партияси ва республика ҳукумати томонидан қолоқ корхоналарнинг ишини яхшилаш соҳасида кўрилаётган тадбирлар тўғрисида сўзлайди.

1953 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани республика бўйича умуман 103,3 процент бажарилди. Саноат маҳсулоти ҳажми 1940 йилдагига нисбатан тўртярим баравар кўпайди. Халқ истеъмол қиладиган буюмларни ишлаб чиқариш кўпаймоқда, уларнинг сифати яхшиланмоқда.

КПСС МК сентябрь Пленумидан кейин республиканинг МТСларига доимий ишлаш учун 2.800 дан кўпроқ киши юборилди. Қишлоқ хўжалик артеллари раҳбарлигига 300 дан кўпроқ янги сергайрат ходимлар келди. Нотиқ чорвачиликни ривожлантиришда жиддий камчиликлар борлигини та'кидлаб ўтади. Йирик қорамоллар сони умуман 23,5 процент ўсгани ҳолда сигирлар сони ўтган йили фақат 3 процент кўпайди, чорва молларининг маҳсулдорлиги паст. Республикада бу йилги давлат планининг топшириқларини бажариш юзасидан тегишли тадбирлар кўрилмоқда.

Партия ва халқнинг иродаси блан, деди депутат **К. К. Николаев** (Свердловск области), Урал 25 йил мобайнида биринчи даражали саноат вужудга келтирилди. Бу саноат тобора риважланмоқда ва халқ хўжалигини янги техника негизида янада кўпроқ қайтадан қуришда мамлакатга жиддий ёрдам бермоқда. Свердловск областида 1953 йилда саноатнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши 8 процент кўпайди. Чўян ишлаб чиқариш 1952 йилга нисбатан 16 процентдан кўпроқ, пўлат ишлаб чиқариш 7 процент, темир рудаси чиқариш 16 процент ортди. Областьнинг шахтёрлари пландан ташқари бирнеча юз минг тонна кўмир чиқардилар ва таннархни камайтириш ҳисобига пландан ташқари 3,9 миллион сўм жамғарма бердилар.

Депутат Николаев ҳам 1954 йилги бюджетни тасдиқлаш ҳақидаги таклифни қувватлайди.

Депутат **Г. М. Орлов** — СССР Ўрмон ва қоғоз саноати министри — ўз нутқида депутатларнинг Министрлик ҳақидаги таклифларини тўғри деб топди. У ёғоч тайёрлаш соҳасида министрликнинг ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида сўзлади. Ўрмон саноатида ишлаётган катта коллектив, деди ўртоқ Орлов, ёғоч тайёрлаш саноатининг қолоқлигини қисқа муддатда тугатиш учун бутун куч-қувватини сарфлайди.

Музокараларда депутатлардан **П. П. Ермаков** (Рязань области), **А. Е. Кочинян** (Арманистон ССР), **В. Г. Набиуллин** (Бошқирдистон АССР) ҳам сўзладилар.

(ТАСС).

Совет Иттифоқи Бирлашган Миллатларнинг маориф, фан ва маданият масалалари блан шуғулланучи Ташкилоти (ЮНЕСКО)га а'зо бўлиб кирди

СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов яқинда СССРнинг Франциядаги Элчихонаси орқали ЮНЕСКО Бош Директори Л. Эвансга мактуб юборди. У ўз мактубида Совет Иттифоқи Ҳукумати Бирлашган Миллатларнинг маориф, фан ва маданият масалалари блан шуғулланучи Ташкилотининг Уставини қабул қилишга қарор берганлигини ва СССРнинг Англиядаги Элчисига бу Уставни СССР Ҳукумати номидан имзолашни топширганлигини билдирди.

Шу йил 21 апрельда СССРнинг Англиядаги Элчиси Я. А. Малик Лондонда ЮНЕСКО Уставини имзолади.

Хотин-қизлар демократик ҳаракатининг арбоблари Андреа Андреен ва Ева Пальмернинг Ўзбекистонда бўлишларига доир

Швеция хотин-қизлари сўл союзининг раиси, Ҳалқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг ўринбосари, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофоти лауреати, медицина доктори Андреа Андреен ва Швециядаги тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг ҳамда хотин-қизлар демократик ҳаракатининг актив арбоби Ева Пальмер Ўзбекистонда олти кун бўлдилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтидаги ёдгорликларни кўрдилар. Улар Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси муфтий Эшон Бобохон Ибн Абдул Мажидхон блан суҳбатлашдилар.

Адреа Андреен ва Ева Пальмер жўнаб кетишлари олдидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Тошкент шаҳри ва Тошкент область хотин-қизлари блан учрашдилар. Хотин-қизлардан энг яхши ишчилар, фан, адабиёт ва сан'ат арбоблари, колхозчилар ва уйрўзғор ишлари блан шуғулланучи аёллар кадрли меҳмонларни гулдурос қарсаклар блан табрикладилар.

Андреа Андреен ва Ева Пальмер ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда Ўзбекистон ҳақидаги ўз таассуротлари блан ўртоқлашдилар ҳамда ўзларига кўрсатилган эътибор ва меҳмондўстлик учун Тошкент жамоатчилигига қизғин ташаккур изҳор қилдилар.

— Ўзбекистон, — деди Андреа Андреен, — гўзал ва бой мамлакатдир, унда оддий кишиларнинг ҳаёти кундан-кунга яхшироқ ва гўзалроқ бўлиб бориши учун ҳамма ишлар қилинмоқда. Мен Совет Иттифоқида ўзим бўлган ҳамма жойлардаги сингари бу ерда ҳам тинч ижодий меҳнат блан шуғулланучи ажойиб кишиларни учратдим. Мен бутун совет халқи учун умумий бўлган бир ишда эркаклар блан тенг ҳуқуқда қатнашаётган ўзбек хотин-қизларининг ҳаёти ва иши зўр ижодий ғайрат блан тўлиб-тошганлигини кўрдим.

Мен Ўзбекистон хотин-қизларига тинчлик учун курашда актив қатнашганликлари учун, Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси номидан катта, самимий ташаккур изҳор қиламан, уларга бу муқаддас, олийжаноб курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

24 апрельда Андреа Андреен ва Ева Пальмер Сочи шаҳрига самолётда учиб кетдилар. Тошкент аэродромида меҳмонларни шаҳар жамоатчилигининг вакиллари узатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

Оржоникидзе, Чиноз ва Гулистон районлари чигит экиш планини бажардилар

Оржоникидзе районининг колхозчилари, механизаторлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада риважлантиришга қаратилган тарихий қарорларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, чигит экиш планини бажардилар.

Чигит экишни бундан бирнеча кун олдин ўтказган Маленков номли, «Қизил Ўзбекистон» ва бошқа колхозларнинг далаларида чигит униб чиқа бошлади. Ҳозир бу колхозларда ғўза парвариши кун сайин кучайтирилмоқда.

Чигитни қисқа муддатларда экиб олган Киров номли ва Молотов номли колхоз а'золари ҳам экин майдонларида чигитни бехато ундириб олишга эришмоқдалар. Чигит текис униб чиққан ерларда ғўза культивацияси бошланди. Илғор универсалчилар ғўза қатор ораларини юмшатишда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Район колхозчилари ва механизаторлари Майолди социалистик мусобақасини кенгайтириб, пландан ташқари чигит экишни икки кун ичида тамомлаш ва 1 Май байрамигача барча экин майдонларида чигитнинг нормал қалинликда бўлишини та'минлаш блан, ғўза парваришини кучайтириб юбориш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

* * *

ЧИНОЗ. 24 апрель. (ЎзТАГ). Чиноз районининг колхозлари чигит экиш бўйича план топширигини бажардилар.

Районнинг кўпгина механизаторлари қишлоқ хўжалик техникасидан энг яхши фойдаланиш учун мусобақалашиб ишда юксак кўрсаткичларга эришдилар. Чиноз районидаги биринчи МТС механизаторлари А. Пирматов, Б. Эргашев, У. Ефимов ўз агрегатлари блан 155—160 гектардан ерга чигит экдилар.

Шверник номли, Максим Горький номли ва партия XIX с'езди номли колхозларнинг эрта муддатларда экиш ўтказилган участкаларида ғўзани яганалашга киришилди.

Район механизаторлари пландан ташқари чигит экмоқдалар.

* * *

Кеча Гулистон районининг пахтакорлари планда кўрсатилган ерларга чигит экиб бўлдилар.

Карл Маркс номли, «Красная Заря», Пушкин номли ва Крупская номли колхозларда чигит барвақт ва сифатли экилганлиги учун бир текисда униб чиқмоқда. Районда 3 минг гектардан ортиқ ерда чигит бехато униб чиқди.

Крупская номли колхознинг ўртоқ Усмонов бошлиқ бригада а'золари ғўза парваришини бошлаб юбордилар. МТС ларнинг механизаторлари универсалларга культиваторларни тиркаш ишларини олиб бормоқдалар.

Шу кунларда район пахтакорлари ва механизаторлари барча майдонлардаги чигитни 1 Майгача тўла ундириб олиш учун курашмоқдалар. Шу блан бирга пландан ортиқча чигит экишни давом эттирмоқдалар.

Йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани кенг ривожлантирайлик!

Тошкент шаҳар ва Тошкент область корхоналарининг социалистик

Мажбуриятлари

Совет халқи коммунистик партия раҳбарлигида коммунистик қурилишнинг кенг программасини амалга оширмоқда.

Тошкент шаҳар ва Тошкент область меҳнаткашлари барча совет халқлари блан бир қаторда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Совет давлати куч-қудратини ва Ватанимиз мудофаасини янада мустаҳкамлаш, саноат ва қишлоқ хўжалигини кескин суратда ривожлантириш, яқин 2—3 йил ичида кенг истеъмол молларини мўл-кўл қилишга қаратилган сиёсатини Совет халқи қизғин ма'қуллайди ва қувватлайди.

Республиканинг барча меҳнаткашлари, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари ўз зиммаларига пахтачиликни кескин суратда ривожлантириш — яқин 4 йил ичида пахтани 1 миллион 800 минг тонна ошириш каби шарафли вазифа топширилганлигини яхши тушунадилар. Бу вазифа қишлоқ хўжалиги учун машиналар, ўғит, асбоб-ускуналар, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар етказиб беручи корхоналардан тўхтовсиз ва аниқ ишлашни талаб қилади.

Ҳозир халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва Совет халқи фаровонлигини ошириш тўғрисида қилаётган ғамхўрликларига жавобан Тошкент шаҳар ва Тошкент область меҳнаткашлари Москва шаҳар ва Москва область корхоналари коллективларидан намуна олиб, ишлабчиқариш резервларидан тўла фойдаланиш, меҳнат унумини ошириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, ўз зиммаларига янги, оширилган мажбурият оладилар.

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи

Завод йиллик планини муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари бирнеча минг тонна пўлат, прокат бериш мажбуриятини олди.

Ишлабчиқаришдаги технология процессларини такомиллаштириш ва меҳнатни тўғри ташкил қилиш ҳисобига печьнинг ҳарбир квадрат метридан 190 килограмм пўлат олиш ва печьнинг ҳар соатда берадиган ўртача маҳсулотини прокат станида 700 килограмм, лист прокат станида 80 килограмм ошириш.

Меҳнат унумини йиллик планга нисбатан 3 процент ошириш ва пландан ташқари 500 минг сўм тежаш.

120 та рационализаторлик таклифини ишлабчиқаришга жорий қилиш, техникани такомиллаштириш йўли блан камида 1 миллион сўм тежаш.

700 ишчи ва 140 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакасини ошириш.

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати

Социалистик мусобақани янада кенг ривожлантириш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш йўли блан йиллик планни ялпи маҳсулот ишлабчиқариш бўйича 20 декабрьда бажариш ва пландан ташқари 26,6 миллион сўмлик маҳсулот бериш. Меҳнат унумини 1953 йилга нисбатан 7,2 процент ошириш ва мавжуд ишлабчиқариш майдонидан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш, шу жумладан ип маҳсулотлари 6,7 процент, штапель газламалар 1,5 процент, ғалтак ип 6 процент, гул тикиладиган турли ипларни 3 баравар ошириш.

Шу йили 100 хил янги нусҳали газламаларни ўзлаштириш, маҳсулотнинг таннархини 1,5 миллион сўм миқдорида камайтириш. Рационализаторлик таклифларини амалга ошириш ва техникани такомиллаштириш ҳисобига камида 6 миллион сўм тежаш. Камида 3700 кишини ўқишга тортиш ва кўп ҳунарни эгаллаган кадрлар қилиб тайёрлаш.

Сталин номидаги Чирчиқ электрохимия комбинати

Асбоб-ускуналарнинг қувватидан тўла фойдаланиш, новаторларнинг илғор иш тажрибаларини ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш йўли блан 1953 йилда эришилган даражадан бирнеча миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқариш.

Рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш ва техникани такомиллаштириш йўли блан бир йилда камида 5 миллион сўм иқтисод қилиш.

Меҳнат унумини 1953 йилга нисбатан 5,5 процент ошириш, маҳсулот таннархини планга нисбатан камида 1 миллион сўм миқдорида камайтириш.

Камида 1200 кишини техника ўқувига жалб қилиш.

«Узбекуголь» трести

Кўмир чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари ўн мингларча тонна кўмир бериш.

Оғир иш процессларини механизациялаш, машина ва механизмлардан тўла фойдаланиш ҳисобига кўмирнинг таннархини 1953 йилга нисбатан 1 процент камайтириш ва 1 миллион сўм тежаш.

Ишчиларнинг меҳнат унумини планга нисбатан 4 процент ошириш, кўмирнинг кукунини белгиланган стандартга нисбатан 0,2 процент камайтириш.

К. Е. Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводи

Йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Меҳнат унумини 1953 йилда эришилган даражадан 10 процент ошириш ва маҳсулотнинг таннархини 3 миллион сўм миқдорида камайтириш. Тўкилган пахтани терадиган асбобларни серияли ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва пландан ташқари 1200 дона ишлаб чиқариш. Мавжуд ишлабчиқариш майдонида ТВЧ поток установкасига ўрнатиладиган электр блан сирланган ва хромланган шпиндельларни поток методида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. 1953 йилга нисбатан 500 тонна ортиқ эритма ишлаб чиқариш. Турли курсларда, ишлабчиқариш техника та'лим ва илғор иш методларини ўрганиш мактаблари орқали ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 1200 кишини тайёрлаш ва малакасини ошириш.

«Узбексельмаш» заводи

Меҳнат унумини ошириш ва мавжуд ишлабчиқариш майдони ҳамда асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиб, ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планни муддатидан илгари бажариш. Пландан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот бериш. 5 хил янги қишлоқ хўжалик машинасини ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш. Рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш йўли блан 1 миллион сўм тежаш. Камида 750 ишчи, инженер-техник ва хизматчининг малакасини ошириш.

«Чирчиксельмаш» заводи

Ялпи маҳсулот ишлабчиқаришни муддатидан илгари, қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқариш планини эса 15 декабрьда бажариш.

Меҳнат унумини планга нисбатан 1 процент ошириш, маҳсулотнинг таннархини 10 процент камайтириш. Рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш ва техникани такомиллаштириш ҳисобига камида 1 миллион 600 минг сўм иқтисод қилиш. Ишчи, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан камида 1000 кишининг малакасини ошириш мақсадида техника ўқуви ташкил қилиш.

«Таштекстильмаш» заводи

Йиллик планни ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан 25 декабрьда бажариш. 9 та янги типдаги машинани муддатидан илгари ўзлаштириш, меҳнат унумини планга нисбатан 3,5 процент ошириш. Бир квадрат метр ишлабчиқариш майдонидан олинадиган маҳсулотни 8,8 процент ошириш. Тракторларга запас қисмлар ишлаб чиқариш йиллик планни шу йилнинг биринчи ярмида бажариш. Қишлоқ хўжалигига ёрдам бериш мақсадида янги конструкцияли сеялкалар учун 400 комплект сошниклар ва «НКУ—2,8» маркали культиваторлар учун 2700 узел тайёрлаш. Техника курслари ҳамда илғор иш-методларини ўргатиш мактаблари орқали ишчилар ва инженер-техник ходимлардан 900 кишининг малакасини ошириш.

Тошкент экскаватор заводи

Ишлабчиқариш майдони ва асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, технологияни яхшилаш ва бракни кескин суратда камайтириш йўли блан ўртача сўлим маҳсулот ишлаб чиқариш планини ўтган йилга нисбатан: экскаваторлар бўйича 17,7 процент, тўғри кураклар 70 процент, айланма кураклар 2,6 баравар ва пўлат қуймаларини эритиш 19,3 процент ошириш. Давлат планини товар ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари кўп маҳсулот ишлаб чиқариш. Янги техника ва илғор технология, шунингдек 250 ташкилий-техника тадбирларни белгилаш ва рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш асосида экскаваторлар ишлашга сарфланадиган меҳнатни планга нисбатан 2 процент камайтириш. Меҳнатни тўғри ташкил қилиш, оғир меҳнатни енгиллаштириш, ёрдамчи ишчиларнинг сонини камайтириш йўли блан меҳнат унумини планга нисбатан 2,9 процент кўпайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини 2 процент камайтириш.

Дзержинский номидаги Хилково цемент заводи

Меҳнат унумини планга нисбатан 6,9 процент ошириш. Йиллик планни клинкер пишириш юзасидан 27 ноябрьда, цемент ишлаб чиқариш юзасидан 10 декабрьда бажариш ва пландан ташқари бирнеча минг тонна цемент ишлаб чиқариш. Асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш ва ишлабчиқаришни рационализациялаш йўли блан печь ва цемент тегирмонининг ўртача йиллик меҳнат унумини 1953 йилга нисбатан 16,5 процент ошириш. Маҳсулотнинг таннархини 1,8 процент камайтириш ва пландан ташқари 800 минг сўм жамғарма бериш.

Тошкент электрокабель заводи

Йиллик ишлабчиқариш планини 21 декабрьда бажариш ва пландан ташқари бирнеча миллион сўмлик маҳсулот ишлабчиқариш. Ишлабчиқаришни тўғри ташкил қилиш, мавжуд ишлабчиқариш майдони ва асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, янги техникани ишлабчиқаришга жорий қилиш йўли блан меҳнат унумини 1953 йилга нисбатан 20 процент ошириш ва камида 70 тонна рангли метал тежаш. Рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш ва техникани такомиллаштириш ҳисобига 3,5 миллион сўм тежаш. Ишчиларнинг камида 30 процентига илғор методларни ўргатиб, уларнинг малакасини ошириш.

Фарҳод ГЭСи

Технологияни яхшилаш ва ишлабчиқаришни рационализациялаш ҳисобига электр қуввати ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажаришни та'минлаш, меҳнат унумини 1953 йилга нисбатан 5,6 процент ошириш. Ички эҳтиёжларимиз учун сарф қилинадиган электр қувватини 5 процент қисқартириш, электр қувватининг таннархини 1,5 процент камайтириш. Агрегатларнинг капитал ремонти муддатини қисқартириб, бевор туриб қолишини 3 процент камайтириш.

Л. М. Каганович номидаги Тошкент паровоз-вагон ремонт заводи

Ишлабчиқариш майдони ва асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, илғор иш методларини ишлабчиқаришга жорий қилиш ҳисобига ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш. Меҳнат унумини планга нисбатан 1 процент ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини камайтириш ҳисобига пландан ташқари 300 минг сўм жамғарма бериш. 270 рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш йўли блан 1 йилда 1,2 миллион сўм тежаш.

МПС Тошкент машинасозлик заводи

Оғир меҳнат талаб қиладиган иш процессларини механизациялаш, сальник ғилдиракларини ишлаб чиқаришда поток линия усулини ташкил қилиш. Рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш асосида меҳнат унумини 1953 йилда эришилган даражадан 8,5 процент ошириш. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини планга нисбатан 1,5 процент камайтириш. Шу йили детальларни механика асосида ишлашдан штамповкага кўчириш, детальларни кокилда қўйишга ўтиш йўли блан камида 40 тонна қора метал ва камида 5 тонна рангли метал тежаш. Темир йўл транспорти учун 8 хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, йиллик планни 20 декабрьгача бажариш ва пландан ташқари кўп маҳсулот ишлабчиқариш.

Темир йўл Тошкент бўлими

Илғор иш методларини, прогрессив технологияни ишлабчиқаришга жорий қилиш ва ички имкониятлардан унумли фойдаланиш асосида давлат юк ортиш планини муддатидан илгари бажариш. Вагонлар оборотн муддатини берилган графикка нисбатан 1 соат қисқартириш. Тепловозлар оборотини нормадагига нисбатан 1,5 процент тезлатиш.

Локомотив бригадалари ишини доимо қатнаб турадиган поездларнинг графигига мувофиқ ташкил этиш ва ҳар ойда камида 150 оғир вазнли составларни тузиш ва жўнатиш. Юк ортиш ва юк тушириш ишларини механизациялаш ҳисобига пассажир ва юк ташиш таннархини планга нисбатан 2 процент камайтириш.

Тошкент «Қизил тонг» фабрикаси

Йиллик ишлабчиқариш топшириғини 27 декабрьда бажариш. Меҳнат унумини 1953 йилга нисбатан 5 процент ошириш. 3000 метр газлама иқтисод қилиб, шундан 1000 дона тайёр кийим ишлабчиқариш. Янгидан 500 кишини ҳунарга ўргатиш ва 150 ишчининг малакасини ошириш.

Область пахта тайёрлаш трестининг корхоналари

Йиллик планга нисбатан меҳнат унумини 3 процент ошириш, ишлабчиқариш планини 23 декабрьгача бажариш, пландан ташқари 4000 тонна пахта толаси, 820 тонна момиқ, ҳаммаси бўлиб 27,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш. Пахтани тозалаш таннархини камайтириш, тола чиқаришни кўпайтириш йўли блан 2000 тонна чигитли пахта тежаш ва пландан ташқари 1 миллион 725 минг сўм жамғарма бериш. Ишчилар, инженер-техник ходимлардан 360 кишининг малакасини ошириш, 135 ишчини ишга ўргатиш.

Тошкент биринчи пойафзал фабрикаси

Йиллик планни 28 декабрьгача бажариш. Биринчи сортли пойафзални планга нисбатан 1 процент кўпайтириш, меҳнат унумини 1953 йилда эришилган даражадан камида 8 процент ошириш. 20 янги модельни ўзлаштириш ва ишлабчиқаришга жорий қилиш. Камида 1,5 миллион квадрат дециметр чарм тежаш. Рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш йўли блан бир йилда камида 2 миллион сўм тежаш.

Янгийўл ёғ заводи

Меҳнат унумини йиллик планда кўрсатилганига нисбатан 6 процент ошириш, маҳсулотнинг таннархини 1 процент камайтириш ҳисобига 1 миллион 200 минг сўм жамғарма бериш. Йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажариш ва пландан ташқари 1100 тонна ўсимлик мойи, 50 тонна кир совун, 150 тонна момиқ ишлаб чиқариш.

32-нчи қурилиш трести

Қурилиш-монтаж ишларининг йиллик планини 25 декабрьгача бажариш. Йиллик пландан ташқари 2 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга бериш. Меҳнат унумини 1953 йилга нисбатан 10 процент ошириш. 700 кишини бинокорликка ўргатиш ва ишчи инженер-техник ходимлардан 580 кишининг малакасини ошириш. Қурилиш ишлари таннархини планга нисбатан 0,5 процент камайтириш. Механизацияни ишлабчиқаришга кўплаб жорий қилиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш асосида трест саноат корхоналарининг ишларини яхшилаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва 800 минг сўм фойда бериш.

Пахтачилик юзасидан махсус давлат конструкторлик бюроси

Шу йили «СХС—1,4» маркали горизонталь шпинделли пахта териш машинасининг тажриба учун бирқанчасини тайёрлаш ва уни ишлабчиқаришда «Ташсельмаш» заводига ҳамда «СХБ—0,7» маркали барабан типидаги механикалашган пахта сушилкасини серияли ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда «Ташхлопкомаш» заводига ёрдам бериш. Шу йилнинг 1 сентябригача тўғрибурчак шаклида уруғни тўрт қаторлаб уялаб экадиган универсал сеялкани яратиш. Бу машинани қишлоқ хўжалиги учун тайёрлаш ва ишлаб чиқаришда заводга ёрдам бериш. Конструкторлик-эксперименталь текшириш ишлари йиллик панини муддатидан илгари — 20 декабрьгача бажариш.

Область маҳаллий ва ёқилғи саноати корхоналари

Йиллик ишлабчиқариш планини 15 декабрьгача бажариш ва пландан ташқари 2,5 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш. Меҳнат унумини планга нисбатан 2 процент ошириш. Шу йили ишлабчиқаришни механизациялаш ва рационализациялаш ҳисобига кенг истеъмол молларининг янгидан 6 хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

Маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ошириш ва пландан ташқари: 1 миллион дона пишиқ ғишт, 100 тонна оҳак, 50 минг квадрат метр қамиш плита ва бордон ишлаб чиқариш. Маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва унинг таннархини пландагига нисбатан 2 процент камайтириш. Ишчилар ва инженер-техника ходимлардан 260 кишини техника ўқишига тортиш.

Область ҳунармандчилик кооперацияси корхоналари

Ишлабчиқариш технологиясини яхшилаш, иш процессларини механизациялаш асосида йиллик планни 25 декабрьгача бажариш ва пландан ташқари 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

Пландан ташқари 500 минг сўмлик тайёр кийим-кечак, 200 минг сўмлик ички трикотаж, 12 минг жуфт резина тагли пойафзал 10 минг жуфт таги чармли пойафзал, 100 тонна бинокорлик михи, 200 тонна оҳак ишлаб чиқариш. Меҳнат унумини 5 процент ошириш ва маҳсулотнинг таннархини планга нисбатан 1 процент камайтириш. Область районларида аҳолига хизмат қиладиган 3 та маиший комбинат ташкил қилиш.

★

Саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш об'ектларининг ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1954 йил давлат планининг барча корхоналарда тўла ва ошириб бажарилиши юзасидан социалистик мусобақани янада кенг ривожлантиришлари лозим. Ҳарбир корхона технология процессларини такомиллаштириш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш йўли блан меҳнат унумини ошириши керак. Ҳарбир корхона, ҳарбир цех, ҳарбир участка бир ме'ёрда ишлаши лозим. Ишчи кадрларнинг малакасини ошириш, ишлабчиқариш новаторларининг бой тажрибаларини кенг оммалаштириши зарур. Кенг истеъмол моллари ва бошқа маҳсулот турларининг сифатини яхшилаш, ташқи кўринишининг бежирим ва кўркам бўлишига эришмоқ керак.

Қишлоқ хўжалигини ўғит, машина, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар, шунингдек бинокорлик материаллари ва саноат маҳсулотларининг бошқа турларини кўрсатилган муддатларида юборишни та'минлаш лозим.

Шубҳа йўқки, бутун республика, шу жумладан Тошкент шаҳар ва Тошкент областидаги барча корхоналарнинг меҳнаткашлари, Совет Иттифоқидаги илғор корхоналарнинг чақириқларига ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажаришда ижодий ташаббус кўрсатиб, меҳнат унумини ошириш ва ишлабчиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажариш блан жавоб берадилар.

БУ МАЖБУРИЯТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, ҚАБУЛ ЭТИЛГАН.

СССР Ташқи Ишлар министрлигида

СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари А. А. Громико Австралиянинг СССРдаги Муваққат Ишлар Вакили Б. К. Хилл жанобларини 23 апрельда қабул қилиб, унга Совет Ҳукуматининг қуйидаги мазмундаги нотасини топширди:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати Австралия Ҳукуматига қуйидагиларни айтишни зарур деб ҳисоблайди.

СССРнинг Австралиядаги Элчихонасининг учинчи секретари ва Элчихонада консульлик ҳамда хўжалик вазифаларини бажариб туручи В. М. Петров шу йил 3 апрельда Камберрадан Сиднейга хизмат командировкаси блан жўнаб кетиб, элчихонага қайтиб келмади.

7 апрельда Элчихона Австралия Ташқи ишлар министрлигига Петровни излаб топиш чораларини кўришни сўраб мурожаат қилди. Элчихона неча қайталаб эслатганлигига қарамай, Министрлик Элчихонанинг мурожаатига деярлик бир ҳафта давомида жавоб бермади.

Петровнинг ғойиб бўлиши муносабати блан синчиклаб ўтказилган ревизия натижасида Петров қалбаки ҳужжатлар ясаш йўли блан давлатнинг катта маблағдан иборат пулини ўзлаштирганлиги, шу тариқа жиноят қилганлиги аниқланди. Элчихона Петровнинг жиноятчи эканлигини кўрсатиб уни тутиб Элчихонага топширишни чораларини кўриш тўғрисида дастлаб илтижо талаб қилган сўнгра бу талабни 21 апрельдаги ўзининг нотасида та'кидлаган бўлса ҳам, аммо Австралия ҳукумати бу талабни шу дамгача қондирмади.

Айни вақтда Австралия ма'мурлари Австралиядаги Совет Элчихонасига қарши кенг миқ'ёсда туҳмат кампаниясини бошладилар ва Петровни сиёсий эмигрант деб э'лон қилдилар, бунда қандайдир ҳужжатларни рўкач қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар. Петров томонидан берилган деб айтилаётган бу ҳужжатлар Совет-Австралия муносабатларини ёмонлаштиришга манфаатдор бўлган шахсларнинг топшириғи блан ясалган қалбаки ҳужжатларгина бўлиши мумкин.

Яна бунинг устига Австралия ма'мурлари СССР блан муносабатларни янада кескинлаштириш ниятида ва Совет Иттифоқининг Австралиядаги дипломатик вакиллигининг нормал ишлаши учун имкон бермайдиган шароит вужудга келтириш ниятида бирқанча чораларни кўрдилар.

Чунончи, Австралия ма'мурлари Петровнинг Совет Иттифоқига жўнаб кетмоқчи бўлган хотинини ғиғлатиш чораларини кўрдилар. Иш шу даражага борib етдики, Е. А. Петрова жўнаб кетиш арафасида Австралия газеталарида, жумладан, «Сандэй телеграф» газетасида, бир хабар босилиб чиқди. Шу хабардан Австралия ма'мурлари Петровани Австралияда мажбурлаш ушлаб қолиш чораларини кўраётганликлари ма'лум бўлиб қолди.

Совет Иттифоқининг Элчиси Н. И. Генералов Ташқи Ишлар министри вазифасини бажаручи Макбрайд ҳузурига 19 апрельда кириб ва Австралия матбуотида босилган мазкур хабарни айтиб, Петровнинг кетишига халақит бериш йўлидаги ҳарқандай уринишларнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўришни талаб қилди. Шу блан бирга Элчи, агар Петрова жўнаб кетаётганида уйинг Австралиядан нормал равишда жўнаб кетишига халақит берадиган бирор ҳаракат қилинадиган бўлса, Совет Ҳукумати бу хилдаги ҳаракатларни Совет Элчихонасининг ходимини мажбуран ушлаб қолиш учун қилинадиган ҳаракат, деб ҳисоблайди ва бунинг учун бутун жавобгарлик Австралия ҳукуматининг устига тушади, деб айтди.

Шунга қарамай, 19 апрель кечқурун Сиднейдаги аэродромда Е. А. Петрова, Элчихонанинг иккинчи секретари Ф. Ф. Кислицин ва икки дипломатик курьер Ф. Н. Жарков ва В. В. Карпинский Австралиядан жўнаб кетаётганида бир группа кишилар, я'ни Австралия полициясининг аэродромда турган вакиллари блан тилбириктириб ҳаракат қилаётган ва атайин танлаб олинганлиги очиқ-ойдин кўриниб турган бир группа кишилар Петровани зўрлик блан ушлаб қолишга ва уни самолётга ўтқизмасликка уриниб кўрдилар. Ўша пайтда мазкур шахсларнинг ба'зилари, Австралия ма'мурлари тўғридан-тўғри ёрдам бергани ҳолда, мазкур совет гражданларини кузатиш учун аэродромга келган Элчихона биринчи секретари А. Г. Вислихга, унинг хотини Р. В. Вислихга, совет граждани Н. И. Антоновага, шунингдек Кислицинга ва совет дипломатик курьерларига жисмоний куч қўлланиб ҳужум қилдилар. Шу пайтда аэродромда ҳозир бўлган Австралия полицияси совет дипломатларини очиқдан-очиқ қилинаётган эўравонликдан ва қонунга хилоф ҳаракатлардан ҳимоя қилиш учун зарур тадбирларни кўриш ўёқда турсин, ҳатто полициячилардан бири биринчи секретарь Вислихни урди.

Петровани Сиднейда ўғирлаш мақсадида қилинган уриниш муваффақиятсиз бўлиб чиққанлиги ва самолёт Австралиянинг Дарвин портига учиб кетганлиги сабабли Австралия полициясининг ўзи Петровани ушлаб қолиш мақсадида шу портда эўравонлик қилиш чораларини кўрди. Самолёт Дарвинда ерга қўнадиган пайтда Австралия Шимолий Территорияси ма'муринининг ўринбосари Р. Лейдин Австралия полициясининг отряди блан аэродромга келди. Самолёт қўнгандан кейин Петровага, Кислицинга ва икки совет дипломатик курьерига самолётдан пастга тушиш таклиф қилиниди, шундан кейин уларни дарҳол полициячилар қуршаб, Петровани ушлаб олдилар ва сўнгра уни полиция машинасига солиб аэродромдан олиб кетдилар. Мазкур Лейдиннинг раҳбарлиги остида Петровани олиб қочишни уюштирган Австралия полициячилари Элчихонанинг иккинчи секретари Кислицинга нисбатан эўравонлик қилдилар, совет дипломатик курьерларига нисбатан жисмоний куч қўлланиб, уларни эўрлик блан тинтув қилдилар.

Австралия бош министри Мензис жаноблари ва Австралия ҳукуматининг бошқа расмий вакиллари томонидан бирнеча марталаб ошкора айтилган гаплардан ма'лум бўлишича, Австралия ҳукумати Петровани эўрлик блан ушлаб қолишга қарор қилиб, уни олиб қочиш планини олдиндан тузиб қўйган. Чунончи, Рейтер агентлигининг Канберрадаги мухбири томонидан берилган хабарга қараганда Мензис жаноблари 20 апрельда бундай деган: «Биз ишни шундай ташкил қилдикки, бунинг натижасида ташқи ишлар министрлигимизнинг, хавфсизлик хизматимизнинг ва шу штатдаги хавфсизлик хизматининг вакиллари (Сиднейдаги) Маскот аэродромига борib турдилар». Петрова хоним жўнаб кетгандан кейин ва жўнаб кетмасдан олдин ташқи ишлар министри вазифасини бажаручи юстиция министри блан мен аҳволни жуда пухта муҳокама қилиб чиқдик...» Мензис жанобларининг гапидан ма'лум бўлишича, Совет Элчихонасининг ходимлари ва совет дипломатик курьерлари тушиб бораётган самолётга Петровани Австралияда қолишга кўндириш мақсадида хавфсизлик хизматининг махсус агенти ўтқизиб қўйилган. Мензис жаноблари бундай деган: «Мен хавфсизлик хизмати раҳбарига дарҳол кўрсатма бериб, биз олдиндан кўриб қўйган чораларга биноан, бизнинг бир агентимиз ҳам учиб бораётган самолёт командири блан, самолёт учиб бораётган вақтда алоқа боғлаб туриш кераклигини айтдим ва Петрова хонимнинг... Австралияда қолиш нияти борми-ёки йўқми эканлигини аниқлаб олишни илтимос қилдим».

Мензис жанобларининг 19 апрельда айтган ва Рейтер агентлиги мухбири томонидан Сиднейдан юборилган хабарда келтирилган гапидан кўриниб турипдики, Петрова Австралияда қолиш ниятида бўлмаганлиги Австралия ҳукуматига ма'лум экан. Мензис жаноблари ўзининг шу гапида «Петровани ўз хоҳиши блан жўнаб кетганлигини рад этадиган ҳеч-қандай далил йўқ» деб айтган. Австралия ҳукумати шуни ҳисобга олиб, Петровани Дарвинда эўрлик блан ушлаб қолиш учун қўшимча чоралар кўрди. «Биз олдиндан кўриб қўйган тадбиримиз туфайли, — деди Мензис жаноблари 20 апрельда, — хавфсизлик органларимизнинг вакиллари Дарвинга бориб турган эдилар ва улар самолётни кутиб олишлари лозим эди». Австралия бош министри Шимолий Территория Ма'муринининг ўринбосари Лейдин ва хавфсизлик хизмати ҳукуматнинг кўрсатмаларини бажарганлигини айтиб, ўзининг 20 апрельдаги гапида «Икки курьер ва Петрова хоним Дарвинда самолётдан тушаётганларида Петрова хонимнинг шу икки курьердан тезлик блан ажратиб олинганлиги планимизнинг бир қисми эди» деб айтди.

Жиноятчи Петров ҳақида Австралия ҳукумати томонидан авж олдирилаётган ва иғвогарликдан иборат бўлган шовқин-сурон, Австралиядаги Совет Элчихонасининг ходими Петровани Австралия ма'мурлари томонидан олиб қочилганлиги, совет дипломатларига ва совет дипломатик курьерларига ҳужум қилинганлиги, шунингдек Австралия полициясининг, дипломатик курьерларни тинтув қилганлиги халқаро ҳуқуқнинг ҳамма э'тироф қилган қоидаларини қўпол равишда бузишдир ва давлатлар ўртасида нормал дипломатик муносабатлар бўлиб турганида йўл қўйиб бўлмаслик бир ҳолдир. Шу муносабат блан, СССР Ҳукумати мазкур ғайри-қонуний ҳаракатларга қарши қат'ий норозилик билдиради. Бу ҳаракатлар учун жавобгарлик тўла равишда Австралия ҳукуматининг устига тушади.

Совет Ҳукумати Австралия ма'мурлари Совет Ҳукуматига жиноятчи Петровни дарҳол топширсинлар, Элчихонанинг олиб қочилган ходими Петровани қайтариб берсинлар ва юқорида айтиб ўтилган эўравонлик актларини қилишда айбли бўлганлар қаттиқ жазолансин, деб ҳали ҳам қат'ий талаб қилмоқда.

Совет Ҳукумати қайд қиладики, Австралия ҳукуматининг халқаро муомаланинг элементар талабларига тўғри келмайдиган бу хилдаги ҳаракатлари Совет Элчихонасининг нормал дипломатик иш олиб боришига йўл қўймайдиган вазиятни вужудга келтирибгина қолмай, шу блан бирга, Элчихона ходимларининг шахсий хавфсизлигини ҳам тахлика остида қолдиручи вазиятни вужудга келтиради.

Юз берган ҳозирги шароитда Совет Ҳукумати СССРнинг Австралиядаги Элчисини ва Совет Элчихонасининг ҳамма ходимларини дарҳол чақириб олишга қарор қилди. Шу блан бир вақтда Совет Ҳукумати мана шундай шароитда Австралия Элчихонаси ходимларининг бундан буён Москвада туриши мумкин эмаслигини ҳам билдиради».

Австралиянинг СССРдаги Ишлар Вакили мазкур нотани дарҳол ўз ҳукуматига топширажагини айтди.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ В. М. МОЛОТОВ ЖАНВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов Ташқи ишлар министрларининг кенгашида иштирок қилмоқ учун 24 апрельда Москвадан Жанвага самолётда жўнаб кетди ва шу куниёқ Жанвага бориб етди. (ТАСС).

Братислава меҳнаткашлари Украинанинг Россия блан қайта қўшилганига 300 йил тўлганлигини нишонламоқдалар

ПРАГА, 23 апрель. (ТАСС). Бугун газеталарнинг хабар беришича, 22 апрельда Братислава шаҳрининг меҳнаткашлари Украинанинг Россия блан қайта қўшилганлигига 300 йил тўлганлигини тантанали суратда нишонлаганлар.

Миллий театрда кеча ўтказилган кечада Словакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Карел Бацилек, корпус раиси Рудольф Стрехай бошчилигида Словакия миллий кенгаши вакиллари корпусининг а'золари, раис Франтишек Кубач бошчилигида Словакия миллий кенгашининг а'золари, СССРнинг Братиславадаги бош консули В. Д. Карякин ҳозир бўлганлар.

Икки улуғ қардош халқ — рус ва украин халқларининг бирлашганига 300 йил тўлганлиги тўғрисида Словакия Фанлар академиясининг президенти Ондрей Павлик доклад қилган.

Ондрей Павлик Украинанинг Россия блан қайта қўшилганлигининг тарихий аҳамияти ҳақида гапириб, Совет Иттифоқи халқлари оиласидаги рус ва украин халқларининг қардошларча бирлиги Чехословакия халқлари учун ҳамкорлик намунаси эканлигини уқтириб ўтди.

Венгрия хўжалиги 1954 йилнинг биринчи кварталида

БУДАПЕШТ, 23 апрель. (ТАСС). Бугун Венгрия марказий статистика бошқармасининг 1954 йил биринчи кварталда халқ хўжалик плани бажарилиши ҳақидаги ахбороти э'лон қилинди.

Социалистик саноат, дейилади ахборотда, биринчи кварталда планни 93,4 процент бажарди. Қиш жуда совуқ келганлиги сабабли транспортда қийинчиликлар юз берганлиги ҳамда электр қуввати етишмаганлиги шу йилнинг дастлабки икки ой ичида саноат корхоналарининг ишига анча тўсқинлик қилди.

Биринчи кварталда пландан ташқари анча миқдорда нефть чиқарилди, кўпгина автобуслар, бензин, керосин, пенициллин, ойна, шойи газламалар, ипак пайпоқлар, пойафзал, мева консервалари, совун ишлаб чиқарилди. Бироқ бирқанча муҳим молларни ишлаб чиқариш плани тўлиқ бажарилмади.

Хабарда айтилишича, бирқанча муҳим истеъмол молларини, шунингдек қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан ошган.

Шанхайда совет тасвирий san'at виставкаси очилди

ШАНХАЙ, 23 апрель. (ТАСС). Шанхайдаги Дўстлик уйида кеча Совет Иттифоқининг тасвирий san'атига бағишланган катта виставка очилди. Виставкага совет рассомларининг энг яхши картиналаридан олинган чиройлик репродукциялар ва фотографиялар ҳамда скульптура асарлари, шунингдек карикатураларнинг, сиёсий плакатларнинг ва китобларга чизилган расмларнинг босма копиялари қўйилган. Виставкада отоқли рус рассомлари Рублев, Иванов, Репин, Суриков, Серов, Шишкин, Левитан ва бошқаларнинг картиналаридан олинган репродукциялар катта ўринни эгаллайди. Виставка ғоят манзур бўлмоқда. Кеча бир кун ичида виставкани икки мингга яқин киши келиб тамоша қилди.

БМТ Хавфсизлик кенгашида

НЬЮ-ЙОРК, 23 апрель. (ТАСС). 22 апрельда СССР вакили А. Я. Вишинский раислигида Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси бўлди.

Бундан аввалги икки мажлисдагидек, 22 апрельдаги мажлисда ҳам Кенгашда дастлабки кун тартибини тасдиқлаш масаласи юзасидан дискуссия давом этди. Дастлабки кун тартибига «Фаластин масаласи» деган умумий ном блан Ливаннинг Иордания ҳукумати номидан берган шикояти, — я'ни яраш тўғрисидаги битимнинг Исроил давлати томонидан бузилиш ҳодисалари тўғрисида берган шикояти ва Исроил давлатининг Иордания устидан «Иордания яраш тўғрисидаги умумий битим юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётир» деб берган шикояти киритилган.

Бразилия ва Колумбия вакиллари биргаликда таклиф киритдилар, бу таклифда Кенгаш аввало дастлабки кун тартибидаги ҳамма масалалар юзасидан умумий дискуссия ўтказсин ва шундан кейин Кенгаш битта умумий резолюция қабул қилиш керакми ёки ҳарбир шикоят юзасидан алоҳида-алоҳида равишда икки резолюция қабул қилиш керакми деган масалани ҳал қилсин, дейилади. Бразилия вакили бу таклиф «Компромисс» таклиф деди ва Кенгашнинг ҳамма а'золари унга қўшилса керак деб умид билдирди.

Ливан вакили Малик Бразилия ва Колумбия вакиллари тақдим этган таклиф блан Англия, АҚШ ва Франция вакиллари ёқлаб чиқаётган таклиф ўртасида ҳеч-қандай фарқ кўрмаганлигини айтди. У бугунги таклифни «компромисс» таклиф деб ҳисоблайолмаганлигини айтди ва шикоятларни дастлабки кун тартибида қандай ёзилган бўлса, шу тартибда алоҳида-алоҳида муҳокама қилишни ёқлаб гапирди.

А. Я. Вишинский СССР вакили сифатида сўз олиб, шикоятларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини, чунки шикоятлар ўз характери бўйича бошқа-бошқа масалаларга таалуқли эканлигини айтди. Шу блан бирга Совет Иттифоқи вакили бир шикоятни муҳокама қилган вақтда иккинчи шикоятнинг ба'зи аспектлари унга тааллуқли бўлса, бу аспектларга тўхталиб ўтиш бемалол мумкинлигини айтди. А. Я. Вишинский Бразилия вакилига унинг таклифларининг моҳияти юзасидан бирқанча саволлар берди, Бразилия делегати бу саволларга бугунги мажлисда жавоб бермади.

Дастлабки кун тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала юзасидан дискуссия тамом бўлмади ва Хавфсизлик Кенгашининг 27 апрельдаги мажлисида давом этдирилади.

ТИНЧЛИК УЧУН ҚУРАШУЧИ НЕМИСЛАР КОМИТЕТИ НИНГ МУРОЖААТИ

БЕРЛИН, 23 апрель. (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетаси тинчлик учун курашучи немислар кенгашининг Шарқий ва Ғарбий Германияда яшовчи барча немисларга қаратилган мурожаатини э'лон қилди. Бу мурожаат кенгашнинг кечаги мажлисида қабул қилинган. Мажлис тинчлик учун жаҳон миқ'ёсида бошланган ҳаракатнинг беshйиллигига бағишланган эди.

Ер юзидаги барча мамлакатларда, дейилади мурожаатда, миллион-миллион кишилар одамларни кўплаб қирадиган ҳамма воситаларнинг тақиқланишини талаб этмоқдалар, атом қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланилишини талаб этмоқдалар.

Мурожаатда уқтириб ўтилишича, одамларни кўплаб қирадиган воситаларнинг тақиқланишини талаб этиш Бонн ҳукумати томонидан кўрилаётган ҳарбий тайёргарликлар сабабли юз берган хавф муносабати блан Германия учун ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Америка самолётлари Ҳинди-Хитойга француз қўшинларини ташиб келтирмоқдалар

ПАРИЖ, 23 апрель. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири билдиради: бугун Сайгон аэродромига «Глобмастер» типидаги биринчи америка ҳарбий транспорт самолёти учиб келди. Бу самолётда Франциядан Вьетнамга келтирилаётган 200 га яқин парашютчи бор. Бу ерга яна бирнеча самолёт учиб келиши лозим.

ЛОНДОН, 23 апрель. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Коломбадан билдиради: «Цейлон обсервер» газетасининг хабар беришича, француз парашютчи қисмларини Ҳинди-Хитойга келтираётган Америка самолётлари Цейлон аэродромларидан йўлда қўнадиган ва ёнилги олинадиган аэродромлар сифатида фойдаланадилар. Бошқа хабарларга қараганда, аскар тушган бирнеча америка самолёти шу кечаси ва бугун эрталаб Коломбодан 32 километр масофадаги Негомбо ҳарбий аэродромига қўнган ва ёнилги олгандан кейин яна учиб кетган.

Қуёш тутилиши ҳақида

Совет астрономлари 30 июньда қуёшнинг тўла тутилишини кузатиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар. Ҳамма ишларни мувафиқлаштириш учун СССР Фанлар академиясида махсус комиссия тузилди.

Комиссиянинг раиси — СССР Фанлар академиясининг корреспондент-а'зоси Э. Мустель ТАСС мухбири блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— 30 июньда бўладиган қуёш тутилиши жуда қизиқарлидир, чунки қуёшнинг тутилиши Совет Иттифоқининг катта территориясида кўриниб туради ва кузатиш учун жуда қулай даврда бўлади. Қуёш тутилиши Шимолий Американинг марказида бошланиб, жанубий Гренландия орқали ўтади, сўнгра Европага ўтиб, Норвегия ва Швеция, Болтиқ денгизи орқали ўтади. Совет Иттифоқи территориясида ойнинг сояси Клайпеда районига тушиб Литва, Белоруссия, Украина республикаси ва Кавказ орқали ўтади. Ой сояси Боку яқинида Каспий денгизини кесиб Эронга киради ва Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтади ҳамда Деҳлига етмасдан, ер бетидан чиқиб кетади.

Ой сояси 13.300 километрдан иборат масофани 169 минут ичида, Клайпедадан Боқутача бўлган масофани эса 45 минут ичида босиб ўтади. Қуёш тутилишининг давоми қуёш тутилишини кузатиш мумкин бўлган доирининг ўртасида турли пунктлар учун 149 секунддан 106 секундгача бўлади; қуёшнинг тўла тутилишини кузатиш мумкин бўлган доирининг кенглиги 140 — 150 километрдан иборат бўлади.

Москвада қуёш тутилиши қисман кўринади, чунки бу ерда ой сояси қуёш диаметрининг фақат 87 процентини қоплайди. Москвада қуёш тутилиши Москва вақти блан соат 15 дан 1 минут ўтганда бошланади ва соат 17 дан 12 минут ўтганда тамомланади. Соат 16 дан 8 минут ўтганда қуёш энг кўп тутилган бўлади.

Қуёш тутилишини мамлакатнинг энг йирик обсерваториялари кузатиб борадилар. 30 га яқин илмий экспедициялар турли пунктларга жўнаб кетадилар. (ТАСС).

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Ўзбекистон областларида ҳаво ўзгариб туради, лекин ёғингарчилик бўлмайди. Температура 23—28, жанубда эса 30 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво бироз булут бўлиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 25—27 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Ғўзанинг дастлабки парваришини сифатли қилиб ўтказамиз

Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТС механизаторларининг социалистик мажбурияти

Сирдар'ё район 2-нчи МТС зонасидаги механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхозларнинг раҳбарлари чигит экиш якунини муҳокама этиб, чигитнинг ҳамма ерда текис унибчиқишига эришиш ва ғўза парваришини а'ло даражада ўтказиш юзасидан социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар.

Биз чигит экишдан кейинги дастлабки кунларда қуйидаги мажбуриятларни оламиз:

1. Пахта етиштиришни кўпайтириш учун қўшимча резервлар вужудга келтириш мақсадида янги ўзлаштирилган ерларда белгиланган давлат планидан ташқари 450 гектар ерга чигит экамиз; бу майдонларда чигит экишни 30 апрельга тугаллаймиз.

2. Ғўза қатор ораларини ишлаш учун 5 майдан кечикмай 80 та трактор агрегати (шу жумладан 69 универсал, 11 та «СХТЗ»ни тайёрлаб қўйиб, уларни ишга соламиз, 12 та тракторни қишлоқ хўжалик ҳашоратларига қарши курашга ва учта агрегатни трактор блан пичан ўришга ажратиб қўямиз.

80 та агрегатдан ғўза қатор ораларини ишлашда 15 таси 1500 гектар ердаги ғўзаларни энига қараб ишлаш учун, 28 таси 2300 гектар ердаги тор қатор ораларини бўйига қараб культивация қилиш учун тайёрлаб қўйилади.

Пахтадан юқори ҳосил олиш ва техникадан энг яхши фойдаланишда тракторчиларнинг жавобгарлигини ошириш ва уларнинг манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида барча ҳайдов тракторларини ғўза қатор ораларини ишлаш даврида дала бригадаларига беркитиб қўйилади.

3. Ҳар бир гектар ерда ғўза туплари қалинлигининг нормал даражада бўлиши ва пахта майдонларидан тўла фойдаланиш пахтадан мўл ҳосил олишнинг муҳим шартларидан бири деб билиб, асосий майдонларнинг ҳаммасида ғўзаларни 1 майдан кечиктирмай текис ва хатосиз ундириб олиш, қўшимча равишда экилган участкаларда эса 5—6 майгача ундириб олиш мажбуриятини оламиз.

Шу мақсадда ҳамма майдонларда энг қисқа муддатда қатқалоқларни битирамиз.

Сийрак чиққан жойларда ғўза қалинлигининг нормал ҳолда бўлишини та'минлаш учун парникда ўстирилган ғўза кўчатларини ўтказишни ёки яхши ивитилган чигит экишни та'минлаймиз.

Биринчи майгача ҳамма майдонда зовур қазучи машиналар блан вақтли суғориш шохобчалари ва ўқариқларни тайёрлаб қўямиз.

4. Ҳарбир гектар экин еридан тўла фойдаланамиз барча вақтли дала йўлларига, бурчаклар ва экин майдонларининг четларига чигит экамиз.

5. Ғўзанинг нормал даражада ўсиши яганалашни ўз вақтида ўтказишга боғлиқдир. Биз бу тадбирни 10—12 иш кунида, 10 майгача тамомлаш мажбуриятини оламиз.

Қатқалоқ пайдо бўлган далаларда машина блан яганалашни КДР га мослаштириб ўрнатилган культиваторлар блан ишлангандан кейин ўтказамиз.

6. Бўйи ва энига қараб ишланган участкаларда қатор оралари 60 сантиметр бўлган ҳолда, ҳар гектар ерда 75—80 минг туп ғўза қолдирилади. Қолган участкаларда ҳар бир даланинг тупроқ ва сув шароитига қараб 90—100 минг туп ғўза қолдирилади.

7. Пахтадан мўл ҳосил етиштириш кўп жиҳатдан ғўзанинг дастлабки икки парваришини ўз муддатида ўтказишга боғлиқдир. Бу ҳол бу йилги об-ҳаво шароитида айниқса алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, ёғингарчилик кўп бўлиши орқасида ер нам тортиб, ёввойи ўтларнинг кўпайиши мумкин. Агротехника муддатларига э'тиборни кучайтириш мақсадида биз биринчи культивацияни 12 майгача тамом қиламиз. Бунинг учун ҳайдов тракторлари блан бир қаторда колхозда бўлган барча от культиваторларидан ҳам фойдаланамиз. Биринчи кетман топиғини 15 майгача тамомлаймиз.

8. МТС бўйича чигит экиш 22 апрельгача тамомланган бўлса ҳам, лекин нормал агротехника муддатига қараганда, 5—7 кун кечикиб экиб бўлинди. Ғўза ўсишидаги қолоқликни тугатиш учун ғўза қатор ораларини ишлаш сур'атини кучайтириш блан бирга минерал ўғитни маҳаллий ўғит блан аралаштириб, эртаги озиқлантиришни амалга оширамиз, 10 майдан кечикмай биринчи озиқлантиришга киришамиз ва унн 1 июньгача тамомлаймиз.

9. Ҳашоратлар ва ғўза касалликлари тарқалишининг ўз вақтида олдини олиш, пахтадан мўл ҳосил етказишда катта ўрин тутади.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ишини вақтида ўтказиш учун МТС коллективи «ОДН» пуркаш-чанглатиш асбобларини қўшимча равишда тракторларга ўрнатиш, 1 Майгача камида 12 та агрегат тайёрлаб қўйиш мажбуриятини олади. Бунинг учун колхозларда барча аппаратуралар ишга солинади; 5 майгача ҳамма колхозларда зарур заҳарли химикатлар тайёрлаб қўйилади.

10. Колхозчилар ва трактор бригадалари ходимлари ғўза парваришида юқори меҳнат унумига эришишлари учун уларга шароит яратиб бериш мақсадида, дала шийпонларида иссиқ овқатлар ташкил этилади, далада пахтакор ва механизаторларга маданий хизмат этиш тўла та'минланади. Ёз пайтида барча трактор бригадалари учун типовой дала шийпонлари қурилади.

Ғўза парвариши ишларини олиб бориш блан бирга, барча колхозлар томонидан янги ерларни ўзалаштириш ва бошқа экиндар экиш планининг бажарилиши учун барча муҳим тадбирлар амалга оширилади.

Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТСнинг Совети: Е. Н. ЖЕТЕНЕВ — МТС директори, А. А. АҲМЕДОВ — МТСнинг бош агрономи. И. С. САИДОВ — МТС нинг бош инженери, М. И. ВИСЛОГУЗОВ — бошлангич партия ташкилотининг секретари, Сирдар'ё районн 2-нчи МТС зонасидаги колхоз раислари: Х. Д. УБАИДУЛЛАХЎЖАЕВ, И. А. БЕЗДЕТНИЙ, Н. ИЎЛДОШЕВА ва бошқалар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/IV да кундуз **Васса Железнова**, кечқурун **Оттело**, 26/IV да **Юрак сирлари**, 27/IV да **Гамлет**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25/IV да кундуз **Гулсара**. Спектаклда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Назира Аҳмедова, Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Саттор Ярашевлар** қатнашади, кечқурун **Эсмеральда**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ёшлар коллективининг гастрольлари.** Янги аттракцион — **«Муз устида карнавал».** Тамоша давомида — қизиқчи **Олег Попов** қатнашади. Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли (кечқурун), «ИСКРА» «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрларида — янги бадиий фильм **Кема командири.**

СОБИР РАҲИМОВ номли кинотеатр — **Кето ва Котэ.**

НАВОИЙ номли кинотеатр — кундуз **Бой ила хизматчи.**

ЕЗГИ «ИСКРА» КИНОТЕАТРИ ОЧИЛДИ
Кеч соат 9 ва 11 да
РАЗВЕДКАЧИНИНГ ЖАСОРАТИ
номли кинофильм кўрсатилади.

«Ударник» паркида
КУНДУЗГИ КИНОТЕАТР ОЧИЛДИ
ТОҒЛАР ОРАСИДАГИ ЗАСТАВА
номли кинофильм кўрсатилади.

Аспирант **С. Аҳмедовнинг** техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун Тўқимачилик институти советида шу йил 28 апрельга белгиланган

ДИССЕРТАЦИЯСИНИ ЁҚЛАШ

бошқа кунга кучирилади

Ёқлаш куни қўшимча э'лон қилинади.

ЮВЕЛИРТОРГ
магазинларида
БАЙРАМ КУНЛАРИГА
Асл ва ярмасл тошлар блан безатилган, энг янги фасон
НАФИС ЗАРГАРЛИК МОЛЛАРИ.
Олтин, кумуш ва бошқа металлардан ишланган
ЧИРОЙЛИ БУЮМЛАР:
Тўғнагичлар, зираклар, узуклар, билакузуклар, запонкалар, булавкалар, упадонлар, портсигарлар, муштуклар, соат занжирлари ва бошқалар.
Каҳрабо, мунчоқ, марвариддан
ШОДАЛАР ВА МАРЖОНЛАР.
Олтин корпусли қўл соатлари, стол ва девор
СОАТЛАРИ.
ОВҚАТ ВА ЧОЙ АСБОБЛАРИ:
кумуш ва мельхиордан қошиқлар, санчиқлар, пичоқлар,
стакан тагликлари, қадаҳлар, сут идишлари, кофе қайнатадиган идишлар ва бошқалар.
Папье-машедан ишланган бадиий буюмлар
СОТИЛМОҚДА
МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:
1). К. Маркс кўчаси, 29-нчи уй, 2) Октябрь район совет-колхоз бозоридаги Гулбозор ва янги корпус, 3) Алайский совет-колхоз бозори, 4) Госпитальний совет-колхоз бозори, 5) Октябрь, Марказий, Фрунзе район совет-колхоз бозорларидаги ва мол бозоридаги киоскалар.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 157, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 137, Маданият бўлими — 135, Адабиёт ва san'at бўлими — 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 136, хатлар бўлими — 137, Секретариат — 34048, э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00502. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1320.